

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ГУМАНИТАР ФАКУЛЬТЕТИ**

Тарих йўналиши

07.442-гурух битириувчиси Набиев Тоҳирнинг

“Япониянинг ўзига хос тараққиёт йўли (XVII-XIX асрлар)” мавзуси

БИТИРИУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбари:

т.ф.н. доцент Т.Қўчқоров

Фарғона 2011

М У Н Д А Р И Ж А

1. Кириш.....	3
I боб.	Япония-янги тарихни бошларидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти.
2. § 1. Токугава уйи хукмронлиги даврида абсолют феодал тартиблар.....	3-18
3. § 2. Токугава уйининг ёпиқ эшиксиеёсати.....	19-30
II боб.	Япония-янги тарихнинг иккинчи босқичидаги иқтисодий- сиёсий ҳаёти
4. § 1. XIX асрнинг 70-90 йилларидаги иқтисодий ривожланиши, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳаёти.....	31-36
5. § 2. Япониянинг ташқи сиёсати.....	37-38
6. § 2.1. Япониянинг Кореяга бостириб кириши. 1894 – 1895 йиллардаги Япон – Хитой уруши.....	39-42
7. § 2.2. Рус – Япон муносабатларини кескинлашуви.....	43-44
8. Интернет маълумотлари.....	45-53
9. Хулоса.....	54-55
10. Фойдаланилган адабиётлар.....	56

Мавзу: Япониянинг ўзига хос тараққиёт йўли. (XVII-XIX асрлар)

Кириш

I боб. **Япония-янги тарихни бошларидағи иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти.**

§ 1. **Токугава уйи хукмронлиги даврида абсолют феодал тартиблар**

§ 2. **Токугава уйининг ёпиқ эшик сиёсати.**

II боб. **Япония-янги тарихнинг иккинчи босқичидаги иқтисодий-сиёсий ҳаёти.**

§ 1. **XIX асрнинг 70-90 йилларидағи иқтисодий ривожланиши, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳаёти.**

§ 2. **Япониянинг ташқи сиёсати.**

§ 2.1 **Япониянинг Кореяга бостириб кириши. 1894 – 1895 йиллардаги Япон – Хитой уруши.**

§ 2.2 **Рус – Япон муносабатларини кескинлашуви**

Хулоса

Кириш

XVIII асрнинг ўрталарида Япония феодал давлат сифатида маълум эди. Хокимятда Токугава уйи династияси вакиллари бошқармоқда эди. Бу династия харбий-феодал тартибларни сақлаб қолган бўлиб, “Сёгунат” га асосланган. Мамлакатни сиёсий жихатдан бирлаштириш, марказлашган мухим масаласи эди. Японияда катта ер эгалиги мавжуд бўлиб, Токугава авлоди энг кўп ерга хўжайинлик қилган.

Мамлакатдаги сиёсий кучлар икки лагерга ажралиб бир гурӯҳ Токугава манфаатини ҳимоя қилса, бошқа гурӯҳ уларга қарши эди.

Япония аҳолисининг 83 % қишлоқларда яшаб, дехқончилик билан шуғулланган. Дехқонлар катта ер эгаларидан ижарага ер олиб, хосилнинг ўндан тўрт қисмини феодалга берган.

XVIII асрнинг 30-йи лларидан бошлаб Токугава уйи сулоласи мамлакатни ёпиқ эшик сиёсати билан бошқарганлар. Бу сиёсат хукмон синф доиралари манфаатига бўйсундирилган.

XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб капиталистик муносабатлар ривожланди. Шаҳарларда ҳунармандчилликнинг бир қатор янги соҳалари етишиб чиқди. Кўл меҳнатига асосланган манфактуралар пайдо бўлди. Мамлакатда ички савдо-сотик ривожланди.

Япония XVII- XVIII асрларда феодал тартибларга қарши ҳалқ ҳаракатлари давом этиб тарган. Бу ҳаракатларга шаҳарнинг турли табақалари ҳам қўшилган.

Японияда чет давлатлар билан бўлган муносабатлар масаласида 2 қараш бўлган. Биринчи лагерга чет мамлакатларни кириб келиши тарафдорлари, иккинчи ёпиқ эшиклар тарафдорлари.

Япония Осиё давлатлари ичida капиталистик ишлаб чиқишга 50 йил олидин ўтишга ҳаракат қилган. Натижада янги синфлар келиб чиқкан.

Мавзунинг долзарбилиги ва ўрганиш даражаси

Битиув малакавий ишнинг мавзусини ёритувчи асарлар озликни ташкил қиласди. Мавжуд асарлар ҳам Европа тилларига кам таржима қилинган. Рус тилида ёзилган асарлардан кенг фойдаланилди.

Бу ишни ёзишда тараққиёт жиҳатидан олдинга ўтиб олган Япония тарихини ёритишидир.

Битиув малакавий ишнинг маънавий асослари

Ишни ёзишда асосан Япония тарихига оид дарслик, илмий асарлар, энциклопедия, дипломатия тарихидан фойдаланилди.

Битиув малакавий ишнинг назари-услубий асослар

Ишни ёзишда XVII-XIX асрларда Японияни ўзига ҳос иқтисодий, сиёсий тараққиёт йўли ва бундаги муҳим воқеаларни рўйи-рост, объектив баён этиш, маълумотларни хаққонийлиги, холислигини кўрсатувчи тамонларга асосланиш каби йўналишларни ўзига асос қилиб олган.

Битиув малакавий ишнинг асосий мақсад ва вазифаси

Ишни ёзишдан асосий мақсад Япониянинг ўтмиш тарихини ва бунда бўлиб ўтган иқтисодий, социал воқеаларни туб моҳиятини ёритишидир. Ишдан асосий мақсадлардан бири Япониянинг тарихий тараққиётидаги объектив воқеликларни билиш билан бирга уни ўрнак даражада эканлигини англаб этишдир!

Битириув малакавий ишнинг тузилиши

Иш: кириш, 2 боб, 5 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва интернет маълумотлардан иборат.

I боб. Япония-янги тарихни бошларидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий хаёт.

1 §. Токугава уйи хукумронлиги даврида абсолют феодал тартиблар.

XVIII асрнинг ўрталарида Япония феодал давлат сифатида бўлган. Хокимият устида Токугава уйи вакиллари бўлиб, Японияда энг кучли династиялардан бири эди. Токугава хукумдорлари мамлакатда харбий-феодал диктатура тартибини ўрнатган эдилар. Бу сёгун режимига асосланган¹ бўлиб, марказлашган давлат сифатида бутун мамлакатни ўз қўл остига бирлаштирган.

Токугава уйи мамлакатда давом этиб келаётган ўзаро феодал курашларга бархам бериб, ягона марказлашган феодал давлатни ташкил топишига асос солади. Марказлашган давлат тузуми турли халқ ҳаракатларини ботирилишига ва феодал тартибларни мустаҳкамлашга имкон яратди.

Япониянинг бирлашув давридаги социал-иқтисодий ислоҳатлар мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий тарқоқликни бўғиб келаётган ички бозорни торлиги, шаҳарлар тарқиётига бўлган салбий кўринишларга зарба берди ва умумий ички бозорни шаклланишига имконият яратди.

Япония жамиятида асосий иқтисодиётни ташкил этган соҳалардан бири йирик ер эгалиги бўлиб, булур ичida энг катта мулкка император эга эди.

¹ “Сёгун” қўмондон маъносини бериб, бу тизим дастлаб 1192 йили Минамото Еритомо томонидан жорий этилган. Биринчи сёгунни бошқарган феодал уйи вакили Минамото ва Ходзё (1192-1333), иккинчи Асикага (1335-1572) ва учунчи Токугава (1603-1867) йилларда хукумронлик қилганлар.

Токугава уйи вакиллари мамлакатдаги дәхқончилик қилинадиган ерларнинг тўртдан бирин ташкил этиб, бу ерлар 68 вилоятнинг 47 тасида тарқалган.

Токугава уйи тарафдорлари бирлашган кучлари ва феодал синфлари (XVIII асрнинг биринчи ярми – XIX асрларда) икки гурухга бўлинган бўлиб, ҳар бири 200 дан 300 гача феодал уйларидан иборат эди. Биринчи гурухлар “даймё авлодлари” (“орудаи даймё”) деб аталган ва улар Токугаванинг энг яқин тарафдорлариdir. Иккинчи гурухда феодал князлар бўлиб, уларни “даймёга бегоналар” (“тодзама даймё”) деб аталган¹. Мазкур гурух вакиллари Токугавага душманлик кайфиятида бўлганлар.

Токугава уйининг харбий-сиёсий диктатурасида муҳум аҳамиятга эга бўлган тартиблардан бири гаровга ушлаш тартибидир. Бунга мувофиқ ҳар бир княз мамлакат пойтахти – Эдода 4 ой бўлиши ва бу вақтда унинг оиласи ўз уйларида гаров сифатида бўлиши кўзда тутилган.

XVIII асрнинг ўтрапаридан Токугава уйининг таянчи харбий кучлар бўлиб, харбий дворят табақасидан чиққан “самурай” лар (хизматчи) эди. Булар ўша даврда мамлакат аҳолисининг 17 % ни ташкил этган.

Самурайларнинг кўпчиликни ташкил қилишининг сабабларидан бири ҳар бир княз ўзининг ҳимоя қилиши учун маълум миқдорда уларни ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлган.

Сёгун ҳукумати томонидан қабул қилинган қонунлар Токугаванинг харбий-феодал диктатурасини мустахкамлашга қаратилган. Маҳаллий бошқариш органлари аъзолари Токугава феодал уйига яқин бўлган кишилардан иборат бўлган. Япония императори ҳуқуқий жиҳатдан ҳокимят бошлиғи бўлиб саналсада, аммо иқтисодий жиҳатдан Токугава уйига қарамлиги туфайли мамлакатни бошқаришда у аниқ таъсир қучига эга эмасди.

¹ Международный отношения на Дальнем Востоке (1870-1945) Москва 1956 год, 256 ст

Янги давр бошига келиб халқаро муносабатлар жараёни икки хил хусусиятга эга бўлди. Бир томондан Гарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги алоқалар кенгашган бўлса, бошқа томондан бу мамлакатлар жамиятларининг ривожланишида катта фарқ кузатилди. Японияда ҳам бу даврга келиб ижтимоий-иктисодий шаклланишда бир қанча ўзига хос белгилар вужудга келди.

XVII аср Япония учун феодализм ривожланишининг бошланиш ва энг юқори нуқтага чиқиш даври бўлди. Япония Осиёдаги энг такомиллашган феодал тузумга эга бўлиб, унинг асосий иқтисодий таянчларидан бири дехқон хўжалиги эди. Дехқон хўжалигига манфаатдорликни сақлаш (яъни ҳосилнинг 4 қисми феодалга, 6 қисми дехқонга) қишлоқ хўжалигига катта ютуқларга эришишга ҳамда жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига сабаб бўлди. Хусусий дехқон хўжалигига етиштириладиган ўсимлик маданиятларининг тури қўпайтирилди. Масалан: гуручнинг 100 га яқин хили, буғдойнинг 20 тури, арпа, тариқнинг бир неча турлари етиштирилган. Ўғитларнинг янги турларидан фойдаланиш натижасида эса бир йилда олинадиган ҳосил микдори 2-3 бараварга ўсди. Марказлашган давлатнинг шаклланиши ва ривожланишида ушбу омил катта аҳамиятга эга бўлди.

Дехқон хўжалигининг иқтисодий юксалиши, ер эгасининг баъзи маънода мустақиллиги феодал амалдорларида ер эгаларини бўйсиндириш истагини уйғотди. Хидаёси хукмронлиги даврида ўтказилган “қиличлар ови” (дехқон оиласарининг қуролларини тортиб олиш) тадбирлари нафақат дехқонларни феодал давлат назоратига ўтказиш воситаси, балки уларни эксплуатация қилишни қучайтириш ҳам эди. Дехқонларни сёгунатнинг назорат тизимидан чиқариб юборилиши, самурайлар табақасига дехқонлар устидан ҳакмронликни янада қучайтириш имкониятини берди.

Эски ишлаб чиқариш муносабатлар ва янги ишлаб чиқариш кучлари ўртасидаги зиддиятларнинг ўсиши Япония феодал тузумига чуқур ва кенг

қамровли инқирозига олиб келди. Натижада XVIII асрнинг бошида дехқонлар қўзғалони кучайиб, деярли бутун мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий марказларини қамраб олиши оқибатида Токугава режимининг қулашига олиб келди.

1958 йил Хидэёси феодал урушларнинг қайта авж олишини олдини олиш мақсадида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун 5 тайро (бош вазир) дан иборат олий бошқарув органини тузган эди. Унга Токугава Иэясу, Маэда Тосииэ, Уэсугу Кагэкацу, Мори Тэрумото ва Укита Хидэиэлар кирган. Бироқ икки йилдан сўнг Токугава Иэясу валиаҳд шаҳзодага қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаб, 1600 йилда Сэкигахара ёнидаги жангда унга қарши бирлашган феодал князлар устидан ғалабага эришди. Шу даврдан эътиборан Токугава уйи ҳокимиятни ўз қўлига олди. 1603 йил хонадон боши сёгун титулини олиб, Япония феодал ҳукумронларининг янги сулосасига асос солади.

XVII аср бошларида Японияда 260 га яқин катта ва кичик князликлар мавжуд бўлиб, умумий аҳоли қарийб 18 миллионга teng бўлган. Аҳолининг 80 % қишлоқ хужалигига банд бўлган. Токугава оиласи ҳокимиятни кучайтириш мақсадида секин-аста князликларни ўзига бўйсундириб, мамлакатнинг $\frac{1}{4}$ қисмига эгалик қилган.

Сёгунат томонидан си-но-ко-сё табақавий тизими ўрнатилган¹. Бу куйидагиларни англаатган:

Си – самурайларга

Но – дехқонларга

Ко – хунармандларга

Сё – савдогарларга тегишли бўлган. Шубҳасиз бу тизимда самурайлар юқори ўринда турган. Си табақасининг асосий қисми сёгун ва унинг атрофида бўлган унинг яқинлардан иборат бўлган. Эски пойтахт Киотода

¹ Новая история стран зарубежной Азии и Африки. Ленинград-1971 год, ст.87

яшовчи Микодо фақат диний маросимларни ўтказган, ҳақиқий ҳокимият эса тўлиқ сёгун қўлида бўлган. Микадо атрофида аристакратик амалдорлар кугэ тўпланган бўлиб, улар ерларга эгалик қилмаганлиги сабабли хеч қандай иқтисодий ва сиёсий кучга эга бўлмаган. Улар маошларини Микадодан эмас, аксинча сёгундан гуруч билан олганликлари сабабли бутунлай унга тобе бўлганлар.

Жамиятнинг маъмурий-хўжалик тузулиши феодал-князликлардан иборат эди. Князликлар хўжаликларида олинган гуручдан тушган даромадларига кўра фарқланганлар. (гуруч асосий бойлик ўлчови бўлган). Минималь равишда князликларида йилига 10 минг коку гуруч етиширилган. Мамлакатда йигилган умумий гуруч миқдори 11 минг коку¹, шундан 4 миллион коку Токугава уйига тегишли бўлган. Бундан ташқари Маэда Тосинага князлиги – 1 миллион 200 минг коку гуруч, 16 феодал уйлар 300 минг кокудан ортиқ гуруч етиширганлар. Мори Туэрумото, Уэсугу Кагэкацу князликлари энг бой князлардан бўлган. Феодал синф аҳолининг 10 % ни ташкил этган. Ерга эга самурайлар сони камайиб борган. Ўзаро урушлар натижасида йирик князлар (даймё) майда князларни ўзларига бўйсундирганлар.

Японияда ерлар давлат (сёгун ерлари) ва хусусий (князлар, монастырлар, ибодатхоналар ерлари) ерларига бўлинган. Дехқонлар мерос бўлиб ўтадиган мустақил ҳхжалик юритган. Японияда феодал муносабатларнинг ўзига хос томонларидан бири крепастной шаклиниңг мавжуд эмаслигидир. Феодал дехқонни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, дехқонларда оз бўлсада мустақиллик бўлган.

Ер эгалалигининг асосий шакли ижарадан иборат бўлган. Ижара ҳақи оброк рентаси билан тўланган, баъзан феодал уни пул билан олган. Ишлаб, бериш рентаси (барщина) Японияда кенг тарқалмаган. Фақат айрим худудларда барщина мавжуд бўлган. Аммо шу холатда ҳам

¹ “коку” – миқдор ўлчови 180.4 литр, ҳам оғирлик ўлчови 160 кг

ёрдамчи вазифанигига бажарган, яни хоналарни таъмирлаш, уй ҳайвонларига ем тайёрлаш, йўлларни қуриш ва таъмирлашдан иборат бўлган. Токугава даврида Японияда хунармандчилик ва савдо маркази бўлган шаҳарлар унча кўп бўлмаган. Улардан энг йириклари Эдо, Осака, Киото, Нагая, Нагасаки, Хакаталар эди. Хокимиятни қўлга киритгач Токугава ўз пойтахтини Эдони қуришни бошлади. Бу учун у миператор пойтахти Киотодан узоқда бўлган Канто водийси худудини танлайди. Эдо қурилишидаги харажатларнинг маълум бир қисмини сёгун князликлари зиммасига юклаган. Қурилиш ботқоқ ўстида олиб борилганлиги сабабли кўп тош ва ўрмонлар керак бўлган. Уларни Идзу ярим оролидан олиб келинган. Ташиб учун 3 минг кема керак бўлган, қурилиш ишларида 10 мингдан ортиқ киши иштирок этган. XVII аср ўрталарида Эдо ва Киото аҳолиси 500 минг, Осака аҳолиси 270 минг кишига етган.

Токугава ҳам Хидёси каби чет элликлар билан муносабатларни четлаб ўтмади. У хорижликларнинг техник билимларидан ва европаликлар куролларидан фойдаланишга харакат қилди. Хорижликлар эса мамлакатда ўз таъсирларини мустаҳкамлаш учун христианликни қабул қилган князликлардан фойдаланаардилар. XVII аср бошларида мамлакатда 700 минг христиан бўлган. Токугава хукумати бундай князларни барчасини ҳокимиятдан четлатди, бир нечтасини қатл этди. 1614 йил хорижий динларни қатъий таъкиқловчи фармон чиқарилди.

1636 йилдан бошлаб японияликларга ўз мамлакатлари худудидан ташқарига чиқиши, узоқ саёҳатлар учун мўлжалланган катта кемалар қуриш таъкиқланди. Хорижликларга миссионерлик фаолияти билан шуғулланиш қатъий таъкиқланди. Хорижлик савдогарларга фақат савдо билан шуғулланиш мажбурияти берилди. Барча савдогарлар Нагасакидаги улар учун махсус тузилган кичикина Дэдзима оролчасига кўчирилиб, фаолиятлари қаттиқ назорат қилинди.

Шаҳарлар аҳолиси токугава табақавий тизимида энг охирги ўринларда эдилар. (ко – хунармандлар, сё - савдогарлар). Аммо улар

бошқаларга қараганда юридик жиҳатдан кўпроқ хақ-хуқуқларга эга бўлганлар. Бой савдогарлар ва хунармандларнинг иқтисодий кучи жамиятдаги мавқеларини кучайишига сабаб бўлди. Иккала синф ҳам феодал синфга бириктирилган бўлиб, сёгун ва даймёлар хизматида бўлганлар. Хукмрон синф феодал режимини мустаҳкамлашда уларга суянган.

Ички савдонинг ўсиши, савдо алоқаларининг кенгйиши йирик сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан марказлашган шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Йирик савдо шаҳарлари Эдо, Осака, Киото, Сакай, Нагасаки бўлган. Эдода савдогарлар сёгун манфаатларига, Киотода император манфаатларига хизмат қилганлар. Фақатгина Осакада савдогарлар мустақил фаолият юритганлар.

Йирик савдо гильдиялари (кабунакама) ва хунурмандчилик цехлари (дзя) Осакани йирик тижорат марказига, мамлакат “ошхонаси” (дайдокоро) га айлантириди. Осака барча князликлар ўз товарларини (гуруч, ипак, ип-газламалар, чинни, қофоз, мум ва бошқалар) олиб келадиган мамлакатнинг асосий бозорига айланди. Осакада гуруч биржаси бўлиб, унда беогиланган нарх мамлакатнинг барча бозорлари учун мажбурий нарх бўлган. Балиқ, савзавотлар биржаси ҳам бўлган.

XVII асрда маълум таварлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманлар вужудга келди. Масалан: шимолий ва жанубий-ғарбий Кюсю чинни ва ип-газламалар ишлаб чиқарган, Киото-Нарада парча, ипак газламалар, сакэ, металл маҳсулотлари ишлаб чиқарган. Саэто-сопол ва чинни идишлар, Сацума-шакар, Тоса ва Тесю-қофоз, Наганохом- ипак ишлаб чиқарган.

Савдо-сотиқнинг ихтисослашуви хунармандчиликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Савдогар хомашё сотиб олиб, хунармандга бериб, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши айтган. Масалан: Кюсюда паҳта сотиб олиб, Осакадаги й игирув цехларига топширган, йи гирилган ипни бўёқчилар цехларига топширилган, йи игирилган ипни бўёқчилар ва

тикувчиларга берган. Хунармандлар шу тариқа ихтисослашиб, савдогарлар таъсирига тушиб қолди. XVI- XVII асрларда эса дастлабкиманфактуралар пайдо бўлди.

Шаҳарлар ҳаётида савдо капитали тобора мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Улгуржи савдо билан шуғулланувчи савдогарлар гильдиялари пайдо бўлди. Масалан: Осака компанияси “Хигаки кайсэн” ва “Тару кайсэн” Эдо ва Осака туманларини товар билан таъминлаган “Мицумаэ-бунэ” компанияси Хаккайдо қатновларини назорат қилиб, шимолий ва марказий Хонсдан Осакагача бўлган худудларни таъминлаган. Савдогарларнинг уйлари камтарона безатилган бўлсада, ичида турли қимматбаҳо буюмлар билан безатилган.

Япония ташқи дунёдан беркитилган бўлсада, чет эл билан алоқалар тўлиқ узилмаганди. Голландия ва Хитой савдогарлари билан алоқалар сақланиб қолган. Савдо бакуфу амалдорлари монополиясига ўтган. Шу даврда сёгун уйи ва император атрофидаги амалдорлар рухсатнома билан Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларига савдо-сотий қилиш учун юборилган. Сёгунат голланд тилини билувчи амалдорлар, улар келтирган китоблари орқали Ғарб хаёти тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган.

XVIII аср бошида Япония Россининг Тинч океани соҳилларига чиқиб, бу худудларни ўзлаштириш ишлари олиб борилаётганлиги хақида хабар олди.

XVII асрнинг биринчи ўн й иллигига Япония кемалари саёҳатни тақиқлаган пайтда, Шарқий Сибирнинг Россига қўшилиши натижасида руслар Охото денгизига чиқдилар. В.Попярков, А. Атпосов, Е.Хабаров экспедициялари натижасида Тинч океани соҳилларида географик кашфиётлар қилинди¹. Рус хариталарида Татар бўғози, Сахалин ороли

¹ Очерки новой истории Японии (1640-1917) Москва, ИВЛ. 1958 год. Стр. 129

белгиланди. 1697 йил Атпасов экспедициясидан кейин Камчатка Россияга қўшиб олинди. XVIII аср 1-ярмидан Шантар ва Курил оролларини ўрганиш бошланди. Курилнинг катта қисми рус тадқиқотчилари И.П.Козыревский, Д.Я.Анциферов, Ф.Ф. Лужин, И.М. Ереванов ларнинг экспедициялари (1711, 1713, 1719-1721) натижасида харитага туширилган.

1739 йилда М. Шпанберг, В. Вальтон экспедициялари дастлаб Хонсю оролининг шимолий-шарқий қирғоқларига келиб, кейин Эдзо (Хоккайдо) оролининг шарқий соҳилларига тушди. Япония аҳолиси билан дўстона муносабатлар ўрнатилганлигига қарамай, савдо алоқалари ўрнатишнинг оложи бўлмади. Бакуфу бунга розилик бермади. XVIII аср 1-ярмида Куриль ва Сахалин оролларида Парамушир, Шумшу, Симушир, Уруп, Итуруп каби рус қислоқлари пайдо бўлди.

1792-1793 йилларда А. Лаксман экспедицияси натижасида уни расмий вакил сифатида қабул қилиниб, йилда битта рус кемасига Нагасакига киришга рухсат этилди. Лекин рус хукумати ўн йил давомида бу рухсатдан фойдаланмади. 1804-йил Нагасакига элчи сифатида келган Н.Резановга музокаралар музокаралар ўтказишга рухсат берилмади¹.

¹ Новая история стран зарубежной Азии и Африки. Ленинград-1971 год, ст.186

XIX аср бошларида Япониянинг иқтисодий хаёти

Сўнгги сёгуnlар даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар япон жамиятида чуқур зиддиятларга олиб келди. XIX аср 1-ярмида қишлоқ хўжалиги жиддий инқирозга учради. Аҳоли сони ўсиши суст эди. Экин майдонлари кенгайтирилмади. Қишлоқларда синфий бўлиниш юз берди. Дехқонлар ерсиз қолганди. Экин майдонлари XVIII асрдан бери кенгайтирилмаган, бор йўғи 2.9-3 млн тё (тё – юза ўлчови, 0.99 га)эди. Товар-пул муносабатлари жадал ривожланиши натижасида дехқонлар савдогарлар таъсирига туўиб қолди. Ерни гаровга қўйиш орқали кредитин олинарди. Натижада ерсиз дехқонлар – мидзуномалар кўпай.

Ёсимунэ сёgunлиги даврида “Кёхо й иллари ислоҳолари” номли (1716-1735) тадбир амалга оширилиб, бакуору маъмурий чоралар билан иқтисодий заифлашаган дворян табақаларининг олдинги мавқеини қайтаришга уринди. Ёш сёgunнинг регентлик даврида, асосий ҳокимиятни кўлга олган Мицудайра Саданобу 1786-1793 йиллар ислоҳотлар ўтказилди. У самурайлар, бадавлат шаҳарликлар ва дехқонлар хаётидаги исрофгарчилик, дабдабавозлик ҳакм суришига қарши чиқди. У император саройиги ажратиладиган маблағни қисқартиди. Вассал сёгур (хатамото) нинг 6 йилдан бери тўланадиган мажбурий тўловдан озод қилди.

Япон қишлоқларида суст, аммо оғишмай ўсаётган феодал муносабатлар хукм сурарди. Харакатли жихати дворянларнинг ерга эгалик қилишдаги монопол хуқуқи вужудга келди. Натижада янги табақалар савдогар ер эгалари – гоно ва оддий самурай ер – эгалари – госилар пайдо бўлди.

XIX аср бошида янги ташкил қилинган мануфактуралар сони 180 тага етди. Мануфактуралар асосан савдогарлар, феодал князлар ва бокуфулар томонидан ташкил этилди.

Давлат мануфактуралари хеч шубҳасиз Токугава хонадонига тегишли бўлган. Мануфактураларда ёлланма ишчи кучидан

фойдаланилган. Қочоқ дәхқонлар, хонавайрон бўлган хунармандлар мануфактуралар учун ишчи кучи захираси бўлган. Ипак мануфактуралари: Кумато, Киото, шаҳар мануфактуралари Когосимада, саноат районлари Фухусима, Гуфуда, Симоса провинциясидаги мануфактуралада (16 соат) соатбай меҳнат мавжуд бўлган. Иш хақи нисбати жуда катта фарқ қилган. Оддий ишчи – 2-4 иен ойлик маош олса, бошқарувчи 70 иен ойлик – маош олган.

Хунурмадлар фаолияти қаттиқ назорат остига олинган. Улар касбий белгиларга кўра цехлар ташкил қиласар, хукумат цехларга алоҳида имтиёзлар берарди ва касбий монополияни ҳимоя қиласарди. Шу билан бирга цехларни доимий босим остида ушланарди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга чеклашлар белгиланиб доимий назорат ўрнатилган.

Ўқитучи, рассом, врачлар Токугава режимининг доимий босимини сезиб туради. Хукумат бу синфни ривожланишига тўсқинлик қиласарди.

Японияда бир неча мустақил ўзини ўзи бошқарувчи шаҳарлар мавжуд эди. Буларга Сакаи, Хаккatalар кирган бўлиб, улар ўрта асрларда олиб борилган ташқи савдо оқибатида бойиб кетганлар. Шунингдек, Нагасаки – савдо маркази, Осака – “мамлакат ошхонаси” хисобланган. Лекин ушбу шаҳарларнинг эркинлиги ҳам бақуфу томонидан чекланарди.

Шаҳарнинг барча табақаларининг хуқуқий мавқеи стабиллашмаган эди. Юқори табақалар ҳам сёгуналарнинг қатағонларига учраганди. Юқори синфнинг инқирозга учраши пастки синфларнинг чегаралашувига олиб келди. Оқибатда эркин касб эгалари (ўқитувчи, рассом, врач) кўпайди¹.

Савдогарлар хунармандлар хуқуқий мавқеини мустаҳкамлаш ниятида гилдия, цехларга уюшарди. Савдо капиталининг кучайиши сёгуналарнинг йирик компаниялар – кабунақаманаларни расман тан олишга мажбур қилди. Бу компаниилар бозорни назорат қилди. Гуруч чайқов

¹ Осиё ва Африка мамлакатларнинг янги ва энг янги ратихи. Тошкент. 1982 йил, 100 бет

савдоси билан шуғулланар, унга нархни белгилардилар. Улар тобора шаҳарлардаги бошқа маҳсулотларни ҳам қамраб олардилар. Эндиликда хукумат савдогарларнинг мол мулкини мусодара қила олмасди. Шу билан бирга XVIII асрда қаровсиз ерларни ўзлаштирган савдогарлар ҳам хукумат томонидан янги ер эгалари деб тан олинди. Шаклланиб бораётган буржуазиянинг кучайиб бориши юз берди.

Бўёқ, кулолчилик, йигирув, озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда савдо мануфактуралари пайдо бўлди.

Токугава уйи хукумдорлиги даврида 83 % аҳоли қишлоқларда я шаб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган. Бу соҳа натурал хужалик кўринишига эга эди. Катта – шахсий ер эгалиги бўлиш билан бирга майда дехқон ер эгали ҳам бор эди. Катта ер эгалари ўзининг ер-мулкини дехқонларга ижарага бериб, олинган ҳосилнинг 10/4 қисми феодалларга берилган. Қонунга мувофиқ борпорта дехқон бир феодал еридан бошқасига ўтиб кетиши мумкин эмас, шу жумладан қишлоқдан кетишга ҳам.

Японияда крепостнойликнинг характерли кўринишларидан бири барщинани қисман қўллашдир. Аммо бу катт фойдалар бермагани учун бу ерга боғлиқ бўлмаган соҳаларда қўлланилган.

Дехқонлар феодал қонунларга мувофиқ, давлат фойдасига турли соҳаларда яъни йўлларни қуриш ва янгилаш, суғориш иншоатларида, князлар фойдасига ибодатхоналарни янгилаш, ёғоч ўтин кесиш ва уни тайёрлаш, қурилиш, янгилаш ва темирчилик бўйича олиб борилган ишларга сафарбар қилинган.

Дехқонлар яна ўз отларини юк ташувчиларга, почта юкларини олиб боришига бериб туришга мажбур қилинган.

Дехқонларни эксплуатация қилишнинг хукмон қўринишларидан бири оброк солиги бўлган. Феодал еридан фойдаланганлиги учун етиширилган ҳосилнинг 40 % феодалга, 60 % ни ўзига қолдириш кўзда тутилган бўлсада аммо баъзи сабабларга кўра ҳосилни 70 % феодалга

берилган XVIII асрнинг биринчи ярми – XIX асрнинг бошларида Японияда 1500 дан ортиқ солик турлари, йигим ва ишлаб бериш усуллари бўлган.

Дехқонларни оғир эксплуатация қилинишини қўрсатувчи феодаллар орасида тарқалган мақоллардан бирида “Дехқон – бу кунжут оила: қанча уни қўп эзсанг, шунча қўп эзасан”. Дехқон “яшашга ва ўлишга” йўл қўймаслик керак.

2 - §. Токугава уйининг ёпиқ эшик сиёсати

10-Иераху (1737-1786) ва ундан кейинг ҳукумдорлари XVIII аранинг 30-йилларида бошланган ташқи сиёсатида ёпиқ ешик сиёсатига амал қилғанлар.

Токугава сёгуналари мамлакатда ёпиқ ешик сиёсати юритишидан асосий мақсади ўз диктатурасини мустаҳкамлаш, рақибларининг кучларини заифлаштириш, жанубий-ғарбий феодал князларнинг аввалги ташқи савдоси орқали бойишига чек қўйиш ва шу орқали Европа давлатлари билан алоқаларини давом еттиришига йўл қўймаслиқдир. Аммо бу сиёсат тўлиқ бўлмаган. Жумладан Хитой ва Голландияликларига Десима оролида савдо-сотик олиб боришга руҳсат берилган.

Токугава ҳокимиётининг ёпиқ ешик сиёсати Япония учун тарихий тарақиётига салбий таъсир қилган. Япон халқи бу сиёсат туфайли ғарб давлатларининг маданий хаётидан ажралиб қолган, фан ва техника ютуқларидан бебахра бўлиб қолда.

Ёпиқ ешик сиёсати Японияда янги капиталистик ва унинг прагressиф ривожланиш ва социал ўсишини секинлашувига олиб келади. Бу узоқ ватқ Японияни сезиларли равишда иқтисодий ва техникавий қолоқлиқда қолишга олиб келди.

Токугава сёгунатларининг феодал тартибларни ўзгартирмаслик учун қилинаган ҳаракатларига қарамасдан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатлар вужудга кела бошлади. Дастрраб дехқон уйларида мануфактура учун хом-ашёни дастрлабки ишлов берувчи соҳаси ривожлана бошлади. Товар-пул муносабатлари тезлик билан ривожлананди. Ички бозор ва янги савдо хунармандчилик соҳаси шаҳарларда вужудга келиб, феодал тартибларга сезиларли ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг натижасида буржуя синфи пайдо бўлди.

Эдо, Киото, Осака, Нагасаки, Сакаи ва Хаката шаҳарлари ишлаб чиқариш кучларини ўсишига, хунармандчилик ва савдо марказларига

айланди. Шаҳарлар аҳолисининг сони ортди. Японияда энг катта шаҳарлар 17 тани ташкил етган. Бу шаҳарлар князликлар таъсиридан чиқиб, мустақил бошқарилган. Шаҳарларни ривожланиши ва савдони ўсиши феодал иқтисодиётини чуқур ўзгаришига олиб келди. Йирик шаҳарлардан ташқари Японияда 240 га яқин қалъа-шаҳарлари бўлиб, улар йириклари атрофида жойлашган.

Ҳунармандлар ва савдогарлар асосан феудал князларга ҳизмат қиласиди. Улар сехларга бирлашиб, мазмунан майда тивар ишлаб чиқариш кўринишига эга. Савдогарлар эса савдо купячик-иттифоқларига бирлашадилар. Бу иттифоқлар ўз аъзоларини манфаатини ҳимоя қилганлар.

Савдогарларнинг асосий товари гуруч бўлиб, улар феудал князларни агентлари эди, кейинчалик мустақил савдогарларга айланганлар.

Мамлакатда судхўрлик ҳам ўз таъсир доирасига ега бўлиб борган. Судхўрлар феодалларга, ҳунарманд ва дехқонларни маблағ билан таъминлаган. Бундан кўпроқ дехқонлар озор чекиб қарздор бўлиб қолган. Хатто ҳокимият ҳам судхўрлардан катта миқдорда капитал қарз олиб турган. Бой судхўр ва савдогарлардан иборат бўлган Мициу, Кононке, Ёдая, Дзеня уйлари мамлакат иқтисодиётида ўзларини мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар, улар тўғрисида : “Агар Осака савдогарлари хафа бўлиб қолса, мамлакатдаги барча князлар қўрқинчдан қалтираб қоладилар”¹ деган гаплар айтилган.

Турли тўсиқларг қарамасдан XVIII асрлардан бошлаб Японияда мануфактуралар ташкил топиб, дастлаб шаҳарлардаги цехчилик ҳунармаднчилиги асисида, қишлоқ хўжаликларида жойлашган уй саноатида пайдо бўлди.

¹ А.А.Губер, Р.Ф.Ким, А.Н.Хёйфец. Новая история стран Азии и Африки. Москва, 1975 год. Стр. 257

Япония мануфактурасининг ўзига хос ҳусусиятларидан бири бу ҳусусий капиталистик мануфактураларни суст ривожланишидир ва давлат хисобидаги мануфактураларнинг тез тараққий этишидир. Буни ташкилотчилари ва егалари сёгун ҳукумати, феудал князлар бўлиб, малакатнинг жанубий-ғарбида ёнланма меҳнат асосида ривожланган.

Инқиlob арафасида ишлаб чиқаришнинг мануфактура кўриниши суст ривожланишига қарамасдан, малакатдаги иқтисодий хаётда сезиларли даражада бўлган. Унинг вужудга келиши фабрика – завод саноатига ўтишда хал қилувчи омил бўлиб қолган. XIX сарнинг 50-йилларида биринчи машина корхоналари металлни қайта ишловчи харбий кемасозлик ва шойи тўқиши саноати учун асбоб -ускуналар ишлаб чиқарган. Шу вақтда темир еритиш ва пўлат еритишга мўлжалланган домна печлар пайдо бўлди¹. Буларни егалари жанубий-ғарабдаги феодал князлар ва сёгун ҳукумати ҳисобланган.

Қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатлар шаҳарга нисбатан секин ривожланган. XVIII асрнинг ўрталарида қишлоқ хўжалик ва техника маданияти ўсимликларни екиш майдони 3 миллион тё (га) ни ташлик қилган бўлса, XIX асрнинг ўрталарида бу 4 миллион тё (га) га етган.

XIX аср ўрталарида Япония кишлоқларида тавар-пул мунасабатларининг ривожланиши таъсирида мулкдорлик ва дехқонларни табакаланиши кучайди. Шу билан бирга тўловда пул рентаси пайдо бўлди. Дехқонларни тўловининг бир қисмини пул билан тўлаш мумкинлигини esa уларнинг судхўрлардан катта процент асосида крэдит олишига сабаб бўлди.

Ерларни ижарага олиш усулибу духқонларга катта миқдорда зарар кўришга , катта йер егаларига esa беҳисоб бойлик оттириш имкониятини берди. Ижара услуги дехқонларни ердан ажрашини қонуний куч асосида

¹ Новая история стран зарубежной Азии и Африки, часть первая Москва 1971 год. Стр.

бошлаб берди. Дехқонларни ерсизланиши уларни қишлоқлардан оммавий равиша қочишига сабаб бўлди.

Дехқонларнинг аҳволи ҳосилсизлик, қурғоқчилик, очарчилик туфайли ёмонлашиб борган. Бу еса Японияда аҳолининг ўсишига салбий таъсир кўрсатиб, 120 йил (1726-1846) давомида ўсиш 1,35 % ни ташкил етган, йиллик ўсиш еса 0,01 % ни кўрсатган.

Феодал тузумнинг инқирози ҳукумрон синфнинг катта ер егалари ва самурайларни нотўгри сиёсатида ўз аксини топди. Япониянинг жаннубий-ғарбидаги уларнинг кўпчилиги савдо билан ва мануфактураларни ташкил этиш билан шуғулланиша бошладилар.

Феодал муносабатлардаги ажралишни бошланиши Токугава диктатурасининг дастлабки ҳукумронлиги даврида шаклланган табақаланишга ўз зарбасини берди. Буржуа синфи шаклланди. Унинг асосий манбааси сехмастерлари ва самурайлардир. Ишчи синфи ҳам шаклланиб, уни асосини дехқонлар, ҳунармандлар ва самурайларнинг паст табақаси ташкил этган.

Мамлакатда феодал ва судхўрларнинг маҳаллий халқларга нисбатан олиб борган сиёсати шаҳар ва қишлоқ аҳолисини уларга қарши кураш бошлашига сабаб бўлган.

ХВИИИ аср иккинчи ярми ва ХИХ асрнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган дехқонларнинг феудал тартибларга ғалаёнлари шухрат қозонган бўлиб, бу Токугава тузумини инқирозига юз тутиб бораётганидан далолат берар эди. Токугава уйи ҳукумронлиги даврида дехқонларнинг 1524 маротаба чиқишлари бўлиб ўтган. Курашнинг асосий услуби қишлоқлардан бошқа жойларга қочиш, талабномалар билан чиқиш, солиқларга қарши норозилик ва қуролли қўзғалон бўлган. Бу курашларда камбағолликка қарши, солиқларни камайтириш, янги тўловларни йўқотиш, меҳнат айборлигини йўқотиш, ижара хақини камайтириш, бозордаги гуруч ва паҳтага қўйилган монопол баҳоларни камайтириш, дехқонларни мустақил бозорга чиқишида йўл бериш, эркин савдо қилиш: мансабини

сүистемол қилган амалдорларни жазолаш, уезд бошлиқларини эркин сайлаш ва алмаштириш каби талаблар ўз ифодасини топган.

Деҳқонларнинг чиқишилари махаллий феодал ва хукумат қўшинлари билан бостирилган. Халқ харакатларининг енгилиш сабаблари уларнинг тарқоқлиги, умумий келишилмаганлиги, ягона бошқарувчига эга бўлмаганлигидир.

Тарқоқ халқ харакатларига қарамай, бу Япониянинг келгуси тараққиёти учун ижобий роль ўйнади. Шу билан бирга, феодал тартиблардан янги босқич капитализмга ўтиши учун шароит яратиб берди.

Феодал тартибларни инқизози ва капиталистик муносабатларнинг шаклланиши Японияда капиталистик жамиятга ўтишнинг энг юқори босқичига кўтарилиганини кўрсатади.

XVIII аср охири XIX асрнинг бошларида чет мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция) бир неча бор Япониянинг ёпиқ э шиклар сиёсатидан воз кечтиришга уринсаларда аммо Токугава хокимяти қаршилигига тўқнаш келганлар.

АҚШ бу харакатни давам э ттириб 1791-1849 йиллар давомида етти марта Япония қирғоқларига ўзининг харбий денгиз кемаларини юборган. Амма бу эскадралар хеч қандай мувофақиятларга эришмасдан қайтиб кетган.

1791, 1813, 1814, 1818, 1837, 1843, 1846 ва 1849 йилларда Англиянинг харбий денгиз экспедициялари ҳам қуруқ ўз ватанларига қайтиб кетганлар.

Россия ва бошқа Европа давлатлари Япония билан ёпиқ э шик сиёсати даврида дипломатик алоқаларни ўрнатишга харакат қилганлар. Айниқса XVIII аср охирларидан бу уринишлар кучайган. Россия хукумати Япония билан дипломатик алоқа ўрнатиш учун А.Лаксман бошчилигидаги элчиларни Екатерина кемасида юборган. Улар 1792 йили Нэхура портига кириб келиб, сўнгра Ногасаки шаҳрига келадилар. Аммо Япония ва Россия ўртасидаги шартномани имзолаш амалга ошмай қолди. Аммо бунга

қарамай бу харакат норасмий бўлсада, келгуси учун мухим эди. 1804 йилда ҳам Н.П.Резенов бошчилигидаги элчилар Александр I томонидан юборилсада, мувафақиятсизликка учраган.

АҚШ хукумати Россиянинг Япония билан олиб борган сиёсатидан хулоса чиқариб янгича йўл тутди. Яъни урушни денгиз орқали амалга ошириш режасини и шлаб чиқди. 1852 йили АҚШ ўзининг энг қудратли харбий денгиз кучларини Максим Перри қўмондонлигига Япониянинг қирғоқларига юборди. Бу эскадралар 1853 йили Япониянинг Урага портига келади. М.Перри бу жойда Японияга шантаж медодини қўллайди. У Япония хукуматидан ёпиш эшиклар сиёсатини бекор қилишни талаб қиласди. Акс холда булар ўртасида уриш чиқиб кетишлигини билдиради. М.Перри бу талабни бажарилишига 1854 йил баҳоригача муддат берган.

1854 йил 13 февралда М.Перри Хитойдан Японияга етиб келиб, ўз талабларига жавобни сўрайди, бажарилмаса уруш очишлигини баён қиласди. Япония шу вақтда оғир ички сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мажбурий қийинчиликларни бошдан кечираётганлиги сабабли АҚШ нинг талабларини бажаришга мажбур бўлади. 1854 йил 31 марта хар икки давлат ўртасида “Тинялик ва дўстлик тўғрисида” ги шартнома имзоланади, унга мувофиқ Япониянинг иккинчи порти: Симода ва Хакодатэ АҚШ кемалари учун очиб берилди. 215 йил давом этган Япониянинг яккалик сиёсати ўзининг охирги нуқтасига етиб келди.

Япония АҚШ ўртасида тузилган шартномадан кейин қатор давлатлар: 1854 йилда Англия-Япония; Ногасакига икки марта рус эскадраларининг келиши билан Рус – Япон шартномаси 1855 йили; 1856 йили Голландия – Япония ўртасида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва савдо шартномалари тузилган.

1857 йили 17 июлда АҚШ нинг генерал консули Гарес Кантер АҚШ – Япония конверциясини имзолади. 29 июлда япон – америка савдо шартномаси имзоланди, бу хужжат АҚШ учун жуда қулай бўлиб, АҚШ товарлари жуда паст нархда сотиш имкониятини яратди. Бу товарлар

Японияга жуда паст бож тўлаш асосида кириб келарди. 1858 йилнинг август-октябр ойларида Япония, Голландия, Россия, Англия, Франция билан иқтисодий савдо шартномаларини тузади. 1860 йил Португалия билан ҳам тузилади.

1854-1860 йилларда Япония Европа давлатлари билан қатор шартномаларни имзоладики, бу эса чет давлатларга унинг қарамлигини кучайтириди.

Чет давлатлар билан тузилган шартномалар Япониянинг ташқи савдо айланмасининг 17 марта ошишига олиб келди. Аммо ички бозорларга кириб келган арzon товарлар япон халқининг уй саноат маҳсулотларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, бонкрот бўлишига олиб келади.

Сёгун хукуматининг чет давлатлари билан teng бўлмаган шартномаларни тузиши ва бундан сўнг Японияга чет эл капиталининг кириб келиши тезлашуви мамлакат сиёсий инқирозининг кучайишига олиб келди.

Максим Перри экспедициясининг Японияга келиши Японияда икки лагерни шаклланишига ва булар ўртасидаги курашнинг кучайишига Япониянинг иқтисодий инқирозга юз тутишига сабаб бўлди. Шартномани имзолаш тарафдорлари “Очиқ мамлакат партияси” га бирлашиб, унга давлат бошлиғи Ин Наоскэ бошлилик қилган. Иккинчи лагер тарафдорлари феодал княз Мито Нариоки бошқилигидаги “Варварларни хайдаш партияси” атрофида бирлашган. Бу сиёсий курашнинг асосидаги масала яккалаш сиёсатини бекор қилиш ёки анъанавий тартиблардан сақлаб қолиш, чет эл давлатлари билан муносабатлар ва Япониянинг шартномалари турган.

Мамлакатда чет элга нисбатан ижобий кўринишларга қарши самурайларни норозилиги, балки кенг халқ оммасининг ҳам бунга кўшилганлиги ҳарактерлидир. Чет элга қарши ҳаракатда “Йўқолсин варварлар” шиори кенг оммалашди.

1857-1858 йилларда имзоланган шартномалар Япониядаги сиёсий курашни кучайтиради. 1860-1861 йилларда Япония миссиясининг европа давлатлариға ва АҚШга келиб муваффакқиятсизликларга учраши бу курашнинг авж олишига сабаб бўлади. Ин Наоскэ га қарши бўлган кучлар оппозицион лагерни ташкил этади. 1860 йил мартада чет эл тарафдрларининг лидери Ин Наоскэнинг ўлдирилиши унга қарши бўлган кучларни ҳаракатини янада кучайтиради. Бу ҳаракатнинг йўналиши мамлакатдаги чет давлатларнинг вакиларининг жисмонан йўқ қилинишига ҳам қаратилган эди. 1860 йил январида Англия консуллигининг драгмани (таржимони), кейинги йил январь ойида Америка элчи хонасининг таржимони ўлдирилди. 1862 йил июнида Англия элчихонасига ҳужум қилинган, шу й илнинг сентябрида инглиз савдогари Ричардсон ўлдирилди. Бу террорчилик актларининг асосий мақсадалри чет давлатларни тузган шартномаларидан воз кечишига мажбур қилиш эди.

1863 йилда Сёгун ҳукумати оппозициячиларга қарата мурожат қилиб, барча чет эл давлатлари билан савдо алоқаларини тўхтатиш зарур деб топди.

1863 й илиюнь – июль ойларида Тёсю князлиги Симоносэкс бўғозидан ўтаётган англичан, француз ва голланд савдо кемаларини ўқса тутди ва бу бўғозга чет эл кемаларини ўтишини та ъқиқлаб қўйди. Бунга жавобан Америка карабллари Япон кемалари ва қирғоқларидаги батареларни тўпга тутди.

Давлат томонидан цанкционланган бу ҳаракатларга қарши чет эл давлатлари жазо чораларини кўришга киришди. Чет элга қарши ҳаракатларга жавобан репрессив чоралар кўришга интилган давлатлардан бири Англия эди. Шунинг учун Англия Японияга қарши жазо экспедициясига бошлиқ қиган.

1868 йил августида адмирал Куппер кўмондонлигидаги еттида карабль Сацума князлигининг пойтахти Кагосима шахри ўқса тутилди. 1864 йил май ойида АҚШ, Франция, Англия, Голландия элчилари (улар

Японияда аккредитлашган) хукуматдан Симоноэкс бўғозини очиб қўй ишини талаб қилганлар, агарда рад жавоби берилса, тегишли чораларни кўриш айтилади.

1864 йил сентябрнинг бошида юқорида айтиб ўтилган давлатларнинг бирлашган харбий денгиз кучлари Симоносэкс бўғози бўйинларидаги Тёсю князлигин тўпга тутади. Бу харакат 1864 йил октябр ойида Тёсю князи билан шартнома имзоланишга олиб келди. Шартномага мувофиқ, бўғоз чет эл кемалари учун очиқ деб кўрсатилади. Шу билан бирга Тёсю князи бўғоз қирғоқларида харбий кучларни олиб турмаслик мажбуриятини олади.

Бу имзоланган конвенция мамлакат ичкарисидаги сиёсий гурухлар ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтиради. Бундан Европа давлатлари ўз манфаатларини хисобга олган холда Япониянинг ички и шларига аралаша бошладалар. Франция Токугава уйи манфаатларини ҳимоя қилган ва 6 млн доллар харбий қурол-яроқ сотиб олиши учун кредит берган. АҚШ ҳам Токугава уйини қўллаб турган. Англия эса сёгунларга қарши кучлар бўлган Сацуума ва Тёсю князликларини қўллаб, қурол-аслаха билан уларни таъминлаб турган.

Чет эл давлатлари шу билан бирга Японияни янада қаттиқроқ сиқув остига олишага, мамлакатнинг кўпроқ ичкарисига кириб бориш учун харакат бошлади. Шу мақсадда у давлатнинг бирлашган харбий денгиз кучлари Осака қўлтиғида катта таасурот қолдирадиган ўзларини намойишини ўтказдилар. Бу ўтказилган тадбир сёгун хукуматини 1865 йил ноябр ойида император томонидан барча шартномаларни имзолашга сабаб бўлди. 1866 йилда янги конвенция имзоланиб, бу чет эл товарларига тариф белгиланган. Тузилган бу шартнома Япония иқтисодиётини ёмонлашувига сабаб бўлди.

Чет эл давлатларнинг Японияга қарши олиб борган интервенцияси мамлакат ичкарисидаги қарама-қарши кучлар ўртасида курашни кучайишига олиб келди. Бу кураш 1867-1868 йилларда давлат тўнтаришга

олиб келди ва феодал реакцион кучларни бостирилишига, 1868-1869 йилларда бўлиб ўтган фуқоролар уруши туфайли асосий масала бўлган сёгунланинг харбий феодал тузими тугатилди.

Янги капиталистик жамият қурилиши учун уни ғалабасига шароит яратиб берилди. 1867-1868 йилларда бўлиб ўтган давлат тўнтариши антифеодал харакердош, буржуазиянинг табиати ва иқтисодий мазмунига кўра кураши эди.

Тўнтаришга тайёргарлик ва уни амалга оширишда олиб борилган ғоявий тарғибот катта роль ўйнаб, буни самурайлардан келиб чиқсан турли йўналишдаги зиёлилар амалга оширган. Улар “император хукуматини қайта янгилаш”, “варварларни хайдаб чиқариб”, “Бакуфуни ағдариш” шиорлари билан чиқишиб, мамлакатнинг жанубий-гарбида жойлашган антифеодал кучлари билан бирлашдилар.

1867-1868 йиллардаги антифеодал инқилобнинг харакатга келишувчи кучи дехқонлар ва шаҳар камбағаллари бўлиб, уларни паст табақали самурайлар қўллаганлар. Бу инқилобда доимий бўлмаган кунгиллилар (кўққисдан хужум қилувчи кучлар), дехқон отрядлари ва халқ милицияси катта роль ўйнаб улар мамлакатни турли вилоятларида ташкил топган эди.

Феодаллашган Япония Осиёдаги давлатларга қараганда, ярим аср олдин капиталистик ривожланиш йўлига ўтган бўлса, Европадаги Россия, Германия ва Италия билан бир вақтда, Англия, Франция, АҚШ дан кейинроқ қолган. Бунга сабаб Япония Осиёдаги яхши ривожланмаган давлатлар қуршовидалиги, ривожланган Европа давлатларидан узокда жойлашганлиги бўлган. Инқилоб арафасида Япониянинг қолоқлиги уни чет эл капиталистик давлатларга мустамлакага айланиб қолиш хавфини вужудга келтиради.

Бу холатдан чиқишнинг объектив имконияти шу эдикни, Япония ўзи иқтисодиётини ривожлантариш учун унинг асосини ташкил қилиши керак эди.

Арисугава хукумати катта ер эгалиги – буржуазия блокининг манфаатини химоя қилувчи бир қатор ислоҳотларни химоя қилувчи бир қатор ислоҳотларни амалга оширишга киришади. Буларни амалга оширишида асосий мақсад мамлакатдаги қолоқликни тутатиш, капиталистик тараққиётни тўсиб турган тартибларни йўқ қилишdir.

1868 йилда император Мицухито (Мэйдзи) “беш аъзо қасамёд” деган ваъдани бериб, бунда катта кенгашни ташкил қилиб, давлатга оид масалалар бу ерда хал қилинадиган бўлди. Аввалги чет элга қарши сиёsat энди европалаштириш билан алмашди. Ички бож тўсиқлари бекор қилинди. Дехқонларни ҳоҳлаган жойга бориб яшашга рухсат берилди. Шу билан бирга ички бозор масаласи эркинлаштирилди. Эркин иш чи кучи ташкил топди. 1869 йилда мамлакатда илгари ташкил топган тўртга бўлиниши (феодал, самурай, дехқонлар, хунарманд ва савдогар) бекор қилинди. 1871 йилдаги энг муҳим ислоҳот бу кастага ҳкуқсизликни ажратишини бекор қилинишидир. Ахолининг барча табақалари ва шу жумладан, самурайларга эркин касб танлаш ҳуқуқи берилди. Ислоҳотларни хаётга тадбиқ этишнинг асосида ягона марказлашган буржуа давлат аппаратини ташкил этиш ётади. Бундан ташқари ягона қоғоз ва танга пул зарб этиш факат давлат зиммасига юклатилди. 1872 йилда харбий хизмат тўғрисида ва европа кўринишидаги маълумот олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўтказилган ислоҳотларнинг сўнггилари аграр соҳада бўлиб, 1871-1873 йилларда бир қатор қонуний актлар қабул қилинган. Булардан бири 1871 йилда қабул қилинган бўлиб, дехқонларни озиқ – овқат ва техтика экинларига эркин ишлов бериши таъминланди. 1872 йилда ер ишлари масаласи эркин деб кўрсатилди. Ер эгаларига ер чипталари (“тикэн”) берилдики, бу унинг мулк эгалигини тасдиқлайди. Аввал гуруч ва бошқа дон экинларига солинган натурал солиқ пул тўлаш билан алмаштирилди.

Ягона солиқ миқдори 3 % деб, ернинг эркин бозордаги ер баҳоси билан белгиланди. 1873 йилда охирги ислохот бу ерларни бўлинишини чеклаган қонун бекор қилинди.

Аграр соҳадаги ўтказилган реформалар қишлоқ аҳолисини қатламларга, яъни дехқонларни ерсизланиши ва улардан мажбурий тарзда тортиб олиши сабабли бозорда ишчи кучларини кўпай ишига олиб келди. Шу билан бирга улар дастлаб қишлоқ хўжалигига капитализмни ривожланишига шароит яратиб берди.

Япониядаги меҳнаткаш дехқонлар аграр реформага ва инқилобга нисбатан давлатга қарши норозилик чиқишилари билан жавоб бердилар. 1868-1873 йиллар ичидаги дехқонларнинг 172 марта қўзғалонлари бўлиб ўтди¹. Бу харакатда дехқонларнинг барча қатламлари иштирок этди. Қўзғалонлар катта оқсоқоларига ва юқори ижара хақини олинишига қарши қаратилган эди. Дехқонлар қишлоқ оқсоқоллигига сайловни, ягона солиқ миқдорини ва уни пасайтиришни ва гуруч баҳосини назорат қилишини талаб қилганлар.

¹ Жуков История Японии. Краткий очерк. Москва, 1939 год. Стр. 102

II боб. Япония – янги тарихнинг иккинчи босқичидаги иқтисодий – сиёсий ҳаёти.

1 §. XIX асрнинг 70-90 йилларидағи иқтисодий ривожланиши, шаҳар ва қишлоқ ахолисининг ҳаёти

Япониянинг янги тарихдаги иккинчи даври (1873-1917) саноат инқилоби, монопол капитализмга ўтиш босқичи билан харакатерланади. Осиё қитъасида Япония бошқа давлатларга нисбатан қисқа вақт ичиде бу босқични четлаб ўтиб, ташқи сиёсатида агрессив босқинчилик сиёсатини бошлаб юборди. XIX асрнинг охири XX аср бошида Япония монополлашув босқичига ўта бошлади. Яъни Япония империализмининг харбий-феодал кўринишига айланди. Шундан бошлаб унинг океан ҳавзаси ва Узок Шарқда жаҳон давлатлари ўртасида турли масалаларда қарама-қаршилик кучайди.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Япониянинг иқтисодий ҳаётида олға қараб силжиш бошланди. 1868-1873 йилларда Японияда янги хокимиятни қайта ташкил топиши прогрессив характерга эга бўлсада, аммо ишлаб чиқариш кучларини эркин ривожланишига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни олиб ташламади.

Улар мамлакат иқтисодиётини қолоқлигини тугата олмади. Ва давлатни мустақиллигини тўлиқ амалга ошира олмадилар. (Европа давлатлари Японияни иқтисодий – сиёсий жихатдан назорат қилган)

Дастлабки даврда ўтказилган реформаларни етарли бўлмаганлиги, тенгсиз тузулган шартномалар Японияни мустамлака ёки яrim мустамлакага айланиб қолиш хавфини вужудга келтирган. Шу билан бирга мамлакатда катта маблағга эга бўлмаган капиталистларнинг йўқлиги сабабли саноат қурилишлари ривожланмади. Шунинг учун феодал буржуа давлати протекционизм сиёсатини юргизган.

Бу чоралар ёш Япония капитализмининг заифлигини тугата олмади. Европадаги ривожланган капиталистик давлатлар ўзининг тажрибалари га суюнган холда ўз экспертларини Японияга юбориб шу давлатнинг маблағи хисобидан замонавий корхоналарни қуришга ёрдам бера бошлади. Япония Европа давлатларининг ўтган давридаги техника тараққиётини ва уни ташкиллаш ишларини ўзида қайтарилишини хоҳламаганлиги сабабли шу даврда фан ва техникани энг сўнгти ихтиrolари асосида ўз саноатини яратганлиги учун унинг миллий саноати тез тарққий эта бошлади.

Японияда капиталистик индустрлаштириш бошқа Европа давлатлари каби дастлаб текс дастлаб тўқимачилик саноатини ташкил қилишдан бошланди. Бу соҳадаги паҳта тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бошланган. XIX асрнинг 90 йилларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тўқимачилик саноати 43 % ўз улушини қўшган. Бу ялпи маҳсулотда металлургия 2 % машинасозлик 0,6 % ўз хиссасини қўшган.

1868-1885 йилларда ичida 1300 та саноат корхоналари ишга туширилган. Аммо бу корхоналарда механик двигателлар кўп фойдаланилмаган.

XIX асрнинг 80 йиллари бошигача Япония саноати капитализими қайта тикланиш процессини тугатаётган бир даврда ва 1894-1895 йилларда бўлиб ўтган япон – хитой урушигача бўлган даврда хукумат барча саноат корхоналарини арендага беришдан сўнг уларни тадбирларга яrim баҳосига айрим вақтда 30 – 15 % ига сота бошлади. Бу корхоналарнинг катта қисми банк уйларига ва маҳаллий шахсий компаниялар (оғир саноат ва харбий соҳалардан ташқари) қўлигв ўтиб қолди. Маҳаллий компаниялардан: Мицуи, Мицубиси, Сумитома, Ясуда, Фурукава, Кавасаки, Танака, Асанолар бир қатор корхоналарга эга бўлдилар. Худди шу вақтда биринчи картел бирлашмалари вужудга келди.

XIX асрнинг 70-90 йиллари Япония учун энг иқтисодий тараққиёт даври бўлиб, ривожланган Европа давлатлари монополистик капитализмга ўтишига қаратилмасдан, уларга нисбатан юқори даражада туради. 1871

йилдан сўнг Германия тараққиёт бўйича Англия, Францияга нисбатан 3 – 4 маротаба, Япония эса Россияга қараганда 10 карра олдинга кетган. Япония ўзининг саноатини ўша даврнинг энг ривожланган босқичига кўтариш мақсадида ўз халқига “бой давлатни ва кучли армияни яратамиз” шиори билан мурожаат қиласди.

Янги тузумнинг биринчи ўн йиллиги даврида капиталистик тараққиётнинг асосий манбаи ва помешчик – буржуа доираларнинг бойишининг асосида ишчи ва деҳқонларни эксплуатация қилиниши ётади. Айниқса, ер солигининг миқдори 80 % га ортган, шу билан бирга зиёлилар кўплаб чиқарилган.

XIX асрнинг 80 – 90 йилларида Япониядаги капиталистик тараққиётнинг ўзига хос томонларидан бири савода, транспортда капитални инвентициялаштирилиши. Ишлаб чиқаришни марказлашуви билан капитални бир жойга йиғилиши бир вақтда амалга ошиб борди. Япония капитализмининг бундай тараққийти учта сабаблар билан боғлиқдир: Биринчидан, 1867-1868 йилларда Токугава мутлоқ хукмронлигининг сўнгги даврида саноат тўнтириши ҳам тамом бўлган бир даврда дастлабки капитални тўпланиши давом этаётган эди. Бу вақтда фабрика – завод ва машинасозлик ўзининг дастлабки қадамини қўйган эди. Иккинсидан, Япония билан тузилган тенгсиз шартномаларни тузилганлиги миллий саноатни ривожланиб боришига тўсиқ бўлиб турган. Шу билан бирга савдо, транспорт ва банкка нисбатан саноатга маблағ сарфлаш хавфли саналган. Учинчидан, банкка қўйиладиган капитал катта фойда келтирган. Ишлаб чиқаришга капитал сарфлаш учун катта миқдорда есуда проценти тўплаш керак эди. Шу сабабли саноатга капитал сарфлашдан кўра савдога эътибор бериш катта фойда берган.

XIX асрнинг 70 – 90 йилларида Япон капитализмининг характели кўринишларидан бири яrim кустардан иборат бўлган майда, кичик корхоналарнинг камлигидир. Бу вақтда мамлакатдаги саноат корхоналарда ишчилар синфи шаклланиб борган. XIX асрнинг 80 йилларида ишчилар

113 минг кишини ташкил этган. Бу вақтда ишчиларни аҳволи яхши бўлмаган, иш хақи паст бўлган.

Оғир шароитнинг бўлиши сиёсий хуқуқга эга бўлмаслик Япон ишчиларини курашга чақирсада, аммо 80 – 90 йилларда бу корхонадан ташқарига чиқмаган. Бу кишилар стихия кўринишида бўлган. 1881 – 1896 йилларда мамлекатдаги қурилиш, газ саноатида, металистларни ишли бирлашмалари ташкил топган.

Япониядаги ишчилар харакатининг биринчи босқичида темирчи – цехчилар ва буржуа ғоялари таъсирида бўлган.

Ишчилар харакатининг заифлигига қарамай пролетариатининг кураши ярим мустамлакага хос бўлди ишчилар яшаш шароитига қарши қаратилган. Мамлакатда элементар сиёсий эрикнликни йўқлиги сабабли ишчилар харакати сиёсий тусга кирмай – иқтисодий кўринишдан иборат бўлган.

Янги тузумнинг даслабки йилларида япон буржуазияси инқилобнинг амалга оширган сиёсий хуқуқини қўлга киритиш учун ярим – феодал ер эгаларига қарши кураш бошлади. Ўзининг иқтисодий қудрати юксалгандан сўнг буржуазия помешчик – буржуа блокида ўзининг сиёсий ҳукмронлигини кучайтиришга киришди.

XIX асрнинг 70 йилларида шундай шароитда либерал – буржуа харакати вужудга келиб, бу “озодлик учун харакат ва халқ хуқуи” номи билан танилди. Унинг характерли кўриниши турли социал элементларнинг иштироки, шу жумладан қуий ва ўрта ҳол самурайлар кейинчалик буржуазия ва қисман дехқонлар вакиллари бўлиб, хокимиятга оппозицион гурух сифатида фаолият олиб борди.

Кўзга кўринган, келиб чиқиши самурайлардан бўлган ғоя эгалари бўлиб улар турли оппозициядаги гурухларни бошқарганлар, озодлик, тинчлик, халқпарварлик каби шиорларни илгари сурдилар. Улар прогрессив талабларни Японияни парламентар ва контитуцион

курилишидаги давлат бўлишини олгари сурдилар. Бу йўл мамлакатни капиталистик тараққийтига олиб боришига ишонганлар.

Япония буржуазияси ва либераллар “янги ер эгалари”, “авлодий олигархияни” хокимиятдан четлатиш мақсадида 1873 – 1882 йилларда турли лагер либерал ассоциаларни тузганлар.

Либерал – конституцион харакатни кенг ёйилиб борганлиги туфайли 1878 йили хукумат махаллий ўзини – ўзи бошқариш кенгашини тузишга розилик берди.

1881 йили император ёрлиги эълон қилиниб, бунда парламентни чақирилиши кўзда тутилган. Бу 1890 йилда амлага ошди.

Императорнинг бу масалада ён бериши биринчи сиёсий либерал партияни тузилишига сабаб бўлди. 1881 йилда Итагаки Пайскэ, “Либерал партия” (Дзиюто) асос солди. Бу партия либерал ер эгаларини, шаҳарда ўрта буржуазия манфаатларини ҳимоя қилди. 1882 йилда Окуса Сигэнобу “Прогрессив партия” га асос солди. Бу партия йирик буржуазия ва катта ер эгаларини мафаатини ифода этди.

XIX асрнинг 80 йиллари ўрталарида ярим легал харакат кучайиб борди. Улар бир неча плебей – деҳқон ташкилотларини тузиб, кейин “қарздорлар партия” сига айланди. Улар аренда нархларини камайтириш, судхўрлик қарз беришдаги баланд процентни тушуриш, аҳолига демократик ҳуқуқларни беришини талаб қилганлар.

Япониянинг мустамлака экспнцияга эрта ўтиши буржуа – либерал харакат ўзининг синфий чегараланганлигини кўрсатиб қўйди. Бу харакат қатнашчилари бир қатор хусусиятлари жихатдан монархияга нисбатан сиёсий жихатдан заифлигини билдириб, ўнг томонга бурилдилар. Либерализм ўзининг миллатчилик мазмунига эга бўлган қарашларини билдириб қўйди ва қисқа вақт ичиде реакцион – босқинчилек харакатга айланди. Буржуа – либерал харакатнинг бу босқичга ўтиши, яъни озодлик ва халқлар тенглиги ғояларидан монархия билан келишилганлигини бош сабаблари халқ харакатидан қўрқанлигидир. Ўзларининг ташкилотларини

ташкил этгач, монархия тузумини сўзсиз сақлаб қолиш, халқ оммасини давлатни бошқаришига йўл қўймаслик эди. Озодлик ишларидан воз кечганлигини кўрсатган 1887 йилда биринчи давлат қонуни бўлиб, у “Тартибни ҳимоя қилиш” номи билан аталган. Бунга мувофиқ, мамлакатда тартибларни ҳимоя қилувчи қучларга хар қандай махфий жамиятларни ва сиёсий ассоциацияларни йўқ қилиш хуқуқини берган.

Япония либералларини реакция томонга ўтганлигини кўрсатувчи 1889 йилдаги конституция бўлиб, бу прусс конституцияси асосида ёзилган. Бу қабул қилинган конституция императорга қуидаги имкониятларни берган: депутатлар палатасини чақириш, очиш ва тарқатиш; парламент миссиялари ўртасида қонундан ташқари, юқори даражадаги формон бериш; армия ва флотнинг олий бош қўмондони сифатида уруш бошлаш ёки тинчлик шартномасини тузиш.

Миссинерлар кабинети конституцияга мувофиқ иаператор олдида жавобгарликка эгадир. Император фамилиясидагилардан пэрлар палатасини ташкил этиб, бунга дворянларнинг юқори табақасини ҳам жалб қилиши қўзда тутилган. 1889 йилдаги сайлов қонуни энг юқори мулкчилик ва ёш цензини белгиди. 1890 йилда Парламент ўз ишини бошлади.

1889 йилдан конституция император бошчилигига ярим феодал ва буржуазияни чеканмаган давлатни бошқариш хукуқларини қонунийлаштиргди. Шу билан бирга буржуа демократик харакатнинг раҳбарлари министрлар кабинетига аъзо бўлиб кириб, япон капитализмининг реакцион ички ва агрессив ташқи сиёсатини илгари сурдилар.

Японияда конституцияни қабул қилиниши демократик харакатни ўсиб бораётганлигини кўрсатиш билан сиёсий ва синфий қучларга хал қилувчи ўз таъсирини кўрсата олмаса ҳам ижобий йўналишдир.

2 §. Япониянинг ташқи сиёсати

Япония капитализмининг ривожланиш кўринишларидан энг муҳимларидан бири мустамлакачилик экспанцияси сиёсатига ўтишидир. Иқтисодий ривожланишнинг йўналишида дастлабки индустирлаштиришнинг босқичидан бошланган харбий стратегияга катта эътибор берилганлигидир. Японияда шу вақтдан бошлаб харбий заводлар, қурол – аслаҳа ишлаб чиқариш, йирик харбий денгиз флотиларини қуриш ва темир йўлларни ўтказишга катта эътибор берила бошланган. Япониянинг қуруқлик ва харбий денгиз қучлари замонавий қурол – аслаҳа ва харбий техника билан жихозланди.

XIX асрнинг 70 йилларидан Япониянинг агресив мустамлакачилик сиёсати давлат қурилишидан келиб чиқсан бўлиб, 1867-1868 йилда бўлиб ўтмаган тугалланмаган инқилоб томониядан амалга оишиrimаган масалаларга қаратилган. Ички бозорни торлиги халқнинг қашшоқлашиб бориши Японияни ташқи сиёсатини мазмунин белгилаб берди. Катта ер эгалиги ва буожуа блоки иқки сиёсий ва иқтисодий қарама – қаршиликларни тугатиш учун капиталистик жамғармани тезлаштиришга ҳаракат қилганлар. Япон капитализмининг агресив ташқи сиёсатини амалга оширишда унинг қулай географик жойлашганлиги, денгиз орқали Шарқ ва жанубий – шарқий територияларга хеч тўсиқсиз бора олишидир.

Япониянинг биринчи мустамлакачилик ҳаракатига Корея дучор бўлди. Босқинчиликни олиб борилиш муддати, қандай йўл билан уни амалга ошириш япон хукуматидаги кескин курашлар ва кейинчалик гурухларга бўлиниш эди (1871-1873 йиллар). Хукумат вакилларидан (Ивакура, Окуба) хали Япония бу харбий ҳаракатларни бошлашга тайёр эмаслигини кўрсатдилар. Сайго Такамари томонидан милитаристик чақириқ билан чиқиб “Кореяни бўйсундириш теорияси” деб аталган. Бунда тезлик билан куч ишлатиб, Кореяни Япониянинг мустамлакасига айлантириш зарур деб кўрсатади. Бу гурух бир неча феодал – самурай

исёнларни давлатга қарши келтириб чиқади¹. 1877 йилда Сацумада "жанубий – ғарбий уруш" бўлиб ўтди.

1874 – 1877 йилларда юёлиб ўтган исёнлар хукуматга, эски феодал тартибларни қайта янгилаш ва самурайларнинг манфаатларига катта хавф солғанлиги сабабли харбий қучлар томонидан бостирилди. Аммо бу харакат мамлакатда мавжуд бўлган мустамлакасиликни қўллаб турганлар учун туртки бўлган.

1874 йилда Тайванга қилинган харбий юриш муваффакиятсиз тамом бўлган. Бу мамлакатдаги тезкор харбий босқинчиликни олиб бориш тарафдорларини режасини чиппакка чиқарди.

Америка генерали Лежандр ва америка офицерларининг ёрдамида харбий денгиз десант кучлари ташкил этилди. 1872 – 1879 йилларда АҚШ президенти Грантнинг бевосита қўллаши билан Япония Рокю оролини босиб олди. Бунга фақат Хитой қарши турган.

АҚШ Японияни ўзига яқинлаштириш мақсадида унинг ташқи сиёсатини қўллаб, “Тинч океан империяси” ни ташкил этилишига йўл очиб берган. АҚШ Японияни харбий юришларини кенгайишига йўл очиб бериш мақсадида 1875 йилда Бонин (Огасавара) ороли устидан хукумронлигини тан олди.

Россия ва Япония ўртасида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг, Сахалин ороли Россия мулки деб тан олинди. Аммо рус империясининг заифлигидан фойдаланган япон давлари Сахалинни жануби ва Курилл оролларини ўзига қўшиб олди. Гарчи бу худудлар руслар томонидан ихтиро қилинган бўлсада.

Осиёда Япония ўзининг босқинчилик юришларини амалга ошириш мақсадида 1879 йилда Таяма Мицуру ва Утима томонидан реакцион – шовунист “Қора океан таъминоти” ташкил этилди.

¹ Новая история стран зарубежной Азии и Африки. Ленинград. 1971 год. стр. 294

2.1 §. Япониянинг Кореяга бостириб кириши. 1894 – 1895 йиллардаги Япон – Хитой уруши.

Япониянинг хукумрон доиралари Хитойга қарши урушни бошлашдан олдин энг муҳим босқичдан бири бу Кореяга юриш деб билганлар.

1875 йил сентябрда Япониянинг кемаси сув олиш учун Кореянинг Канхва оролидаги портга киришига қарши тўпга тутилади. Шу баҳона билан япон қўшини оролдаги гарнизонни енгиб, флотни эгаллади. Шундан сўнг Кореяга қарши харбий экспедиция жўнатилади. 1876 йил февралда Канхада биринчи тенг бўлмаган япон – корея шартномаси имзоланади. Бунда гарчи Корея мустақил, суверен давлат деб тан олинган бўлсада, аммо Кореяниң Пусан (Фусан), Инчхон (Чемульпо), Вонсон (Гензан) савдо портлари Японияга очиб берилиши билан мамлакатга Япон товарлари бож тўламай кириб келишига шароит яратиб берилди.

Япония Корея билан тузилган тенгсиз шартномадан сўнг уни Хитойдан ажратиб қўйиш ва мустақил давлатни ўз мустамлакасига айлантириб қўйишни ният қилган.

XIX асрнинг 80 йилларида Корея ички хаётида сиёсий курашларнинг кучайиши билан Япония бундан фойдаланиб, Корея хукуматига қатор талабларни ифодалаган шартномаларни қўяди. Натижада, 1882 йилда Инчхон, 1884 йили Хасен шартномалари имзоланади. АҚШ Японияни ҳар томонлама қўллашдан фойдаланиб, 1882 йил Корея билан шартнома имзолади. Америка компаниялари Японияга харбий кемалар, қурол – аслаҳалар етказиб бердики, бу келгусида “Корея экспедицияси” ни қуролланиш имконини берди.

Япониянинг Кореяга нисбатан тутган зўравонлик сиёсати Япон – Хитой муносабатларини кескинлашувига сабаб бўлди. 1885 йили Тяньцзин келишувилан Япония вақтдан ютмоқчи бўлди. Япония ҳар қандай имкониятлардан фойдаланиб, уруш очиш учун баҳоналар ахтарган. 1893 –

1984 йилларда Кореяда дәхқонлар уруши бошланди. Бу тарихда “гонхаклар инқилоби” деб ном олган. Японлар Тяньзин келишувини бузиб, Кореяга ўзининг харбий қўшинларини киритди. Гўё бу жойда тинчликни сақлаш баҳонасида. Бу эса Япония билан Хитой ўртасида харбий тўқнашувни тезлаштириди.

1894 йил 25 июлда Япониянинг қуролланган кучлари Хитойга хужум бошлади, эълон қилмасдан. 1 августда император ёрлиги эълон билдириб, уруш бошланганлигини тан олди. Япония – Хитой уруши японларнинг устунлаги билан ўтган. Японлар 240 минг солдатини 62 минг тонна сув сифимига эга бўлган кемаларда урушга жўнатди. Япония бу урушга молиявий сарфи 233,4 миллион иен (бунинг ярми заёмлар билан қопланган). Қолоқ феодал Хитой ўзининг ички заифлигини сезган. Хитой армияси ва флоти Кореянинг жанубий ва шимолий шарқида мағлубиятга учради. Жанглар Ладун ярим ороли ва Вэйхайвека оролида бўлиб ўтган.

1895 йил 17 апрелида Япон – Хитой тинчлик сулҳи Симоноэкида тузилди. Хитой Кореянинг тўлиқ мустақиллигини ва автономиялигини тан олди. Японияга Лядун ярим оролини берди. Тайван ороли (Формоз), Пэнхумдао оролидан воз кечди. Японияга 200 миллион пян (30 миллион иен) товон тўлаш мажбуриятини олди. Аммо 3 давлат: Россия, Германия, Франция бу тузилган тенгсиз шартномага қарши бўлиб, Японияни Узок Шарқдаги мавқеини ортишини хохламаганлар. Юқоридаги давлатларнинг Шарқдаги қизиқишига қарши бора олмаган Япония “Лядун ярим оролини қайтариб бериш тўғрисидаги шартномани имзолашга мажбур бўлди.”

1894-1895 йилдаги Япон – Хитой уруши Япония учун биринчи талончилик уруши бўлиб, бу вақтда япон саноати капитализми монопол капитализмга айланиб бораётганлигини қўрсатди. Бу процесс XIX асрнинг 90 йиллари ва XX асрнинг бошларида кучайди. Бу вақтда картел кўринишига эга бўлган монополистик бирлашмалар йириклишди, молия капитали вужудга келди.

Европадаги ривожланган давлатлар қатори Япония ҳам қисқа вақт ичида давлат монопол капитализм босқичига ўтади.

Мустамлакачилик сиёсатини юргизиш борасида Япония тенг хукуққа эга бўлмаган шартномаларни бекор қилиши учун харакат қилди. 1894-1899 йиллар мобайнида ғарб давлатлар билан тузилган шартномалар қайта кўриб чиқилиб, мустақил, тенг хукуқли давлатлар қаторига ўтди.

Япония Шарқдаги Хиндистон, Малайи, Индонезия, Филиппин, Хинди – Хитой каби Ғарб давлатларига ўхшаб мустамлака ёки яrim мустамлакага айланади. Хитой билан бўлган уруш натижалари дунёни территориал қайта бўлинингини тугаши, монополистик тузумгача бўлган мустамлакасилик калоннал системага айланиши Японияни тез орада агресив давлат даражасига кўтарилишига сабаб бўлди. Тенг бўлмаган тузилган шартномалар даврида ҳам Япония ўзининг ҳарбий қудратини тиклашга харакат қилган.

Ғарб давлатларининг асосий эътиборлари Японияга нисбатан кам эътибор бериш, асосан Шарқдаги кам тарақкий этган Хитой ва Осиё давлатларига қаратилган. Бу кам тарақкий этган давлатлардаги арzon хом – ашё, ички бозор, тайёр маҳсулотларни харид қилиш имкониятини берган.

XIX асрнинг 50 – 60 йилларида бўлиб ўтган халқаро воқеалар Ғарб давлатларини Шарқдаги Японияга нисбатан эътиборларини кам тортишига сабаб бўлган.бу вақтнинг энг муҳим воқеалар: Қирим уруши (1853-1856), АҚШ даги фуқоролар урушида Жануб билан Шимолнинг тўқнашуви, Европадаги воқеалар, Герман давлатларнинг ва Италияни бирлашуви эди. Англия ва Франция, Англия ва Россия, Европа давлатлари ўртасидаги қарама – қаршиликлар Шарқдаги Японияга қулай шароит яратиб берган.

Осиёда XIX асрнинг 50 – 60 йилларида бошланган мустамлакачиликка, чет эл давлатлари сиёсатига қарши халқ харакатларини кўтарилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий давлатлар Шарқдаги Хитой, Корея кабиларга қарши Японияни ўзларининг иттифоқчиси сифатида билишиб, бундан

фойдаланишга харакат қилған. Европа давлатлари ўртасидаги қарама – қаршиликлар Японияга мустамлака учун олиб борган сиёсатига ижобий таъсир күрсатған.

Юқоридаги воқеалар Японияга қимматли вақтдан ютиш ва эркин нафас олиш имконини беради. Хамда мустақил ва хеч қандай давлатга боғлиқ бўлиб қолмаслик шароитини яратади.

2.2 §. Рус – Япон муносабатларини кескинлашуви

Япония Хитой билан олиб борган урушда ғалаба қозонгач харбий, харбий – денгиз кучларини мустаҳкамлаб олди. Ҳамда Шарқда ўзининг иқтисодий, сиёсий, харбий соҳаларда ўз мавқеини юқори поғонага кўтариб олишга мувоффақ бўлди. Бундан фойдаланиб Россияга қарши уруш олиб боришга қаттиқ киришди. Хар икки давлат ўртасидаги қуролли келишмоқчилик 1895 йилда, уч давлатнинг аралашувидан сўнг юошланди, Узок Шарқ жумладан, Маньчжурия ва Корея масаласида келиб чиқкан.

Хар икки давлатнинг хукумрон доиралари узоқшарқ сиёсати атрофида кураш бошлаган. Бир гурӯх (Ямагато, Кацура, Ояма) япон сиёсий доиралар корея ва Маньчжуриядан русларнинг харбий кучларини сиқиб чиқариш учун қуролли хужум тарафдорлариридир. Иккинчи гурӯх (Ито, Иноуэ, Судзуки) тарафдорлари Маньчжурия ва Корея масаласида келишиш тарафдолари бўлиб, келгусида урушга тайёр бўлгандан сўнггина бунга кириш керак деган масалани илгари суради.

Япониядаги либерал ва прогрессив сиёсий партиялар хукуматнинг агрессив ташқи сиёсатини қўллаган, Хитой билан бўлиб ўтган урушдан сўнг парламент 10 йиллик (1896-1905) давлат режасини мақуллади. Бунда Русларга қарши қартилган қайта қуролланиш ўз ифодасини топган эди. Бунга мувофик 10 йилга ажратилган молиявий маблағ 860 млн иенни ташкил этиб, 1904 йилда йиллик харажатнинг 69 % ини ташкил этган¹. дастурда харбийларни 3 баравар кўпайтириш мўлжалланган (тинчлик даврида 160 минг, уруш холатида 600 минг киши). Шу билан биргаликда харбий саноатни кенгайтириш орқали армия ва флотни қурол-аслаҳа билан тўлиқ таъминлашдир. Япония харбий харажатларни қоплаш мақсадида Хитойдан олинадиган товоннинг катта қисмини ажратган.

Хитой билан бўлган уруш ва олинаётган товон харбий саноастни

¹ Новая история стран зарубежной Азии и Африки. Ленинград. 1971 год. стр. 298

ривожланишига катта турткы бўлди. 1897-1901 йилларда Явата металлургия заводи қурилди. Бу эса мамлакатда оғир саноатни ривожланишига катта турткы бўлди. 1894-1903 йиллар давомида халқ хўжалигига капитал ётқизиш 3.5 марта ортган, темир йўл узунлиги 2.3 марта узайган, катта сифимга эга бўлган кемаларни қуриш 5 марта ортган, ташқи савдо 3.5 марта ортиб, буларда ишлаётган ишчилар сони 381 мингдан 526 минг кишига кўпайди.

Россияга қарши харбий, сиёсий ва иқтисодий тайёргарликлардан сўнг Япония ўзига иттифоқдош ахтара бошлади. Япония ўзига иттифоқтош қилиб, Англияни танлади. Натижада 1902 йил январ ойида хар икки давлат ўртасида шартнома имзоланди. Бунга мувофиқ уруш бўлса бўлса хар икки давлат нейтрал туриши ва бир-бирига харбий қурол-аслача билан ёрдам беришга келишиб олинди. Бу иттифоқ яна Хиндистон ва Хитойда кўтарилиши мукин бўлган миллий озодлик харакатини бостириш мажбуриятини ҳам олган.

Англия – Япония иттифоқини АҚШ ҳам қўллаган. Узок Шарқда АҚШ капиталини киришига асосий рақиб деб Россияни билаганлар. АҚШ президенти Т. Рузвелт Япониянинг Кореядаги сиёсатини қўллаган. Филиппиннадаги генерал губернатор кейинчалик харбий минстр Б. Тафт ҳам Японияни Россияга нисбатан тутган сиёсатини қўллаган.

АҚШ президенти Т. Рузвелтнинг Японияга нисбатан тутган сиёсати бошқа давлатлар билан олиб борган дипломатик муносабатларида ҳам баён этган¹. Уруш арафасида Россияни яккараб қўйиш учун барча чораларни кўради, яъни Германия ва Францияга мурожаат қилиб, агарда Россияни қўллашга урунсалар бу вақтда АҚШ Япония тарафида бўлади ҳамда ҳар томонлама харбий ёрдам беради.

Уруш арафасида АҚШ нинг бундай сиёсанти олиб бориши туфайли Россия дипломатияда ўраб қўйилган холатга тушиб қолади.

¹ Мақсад Оқжарий. Япония-мўжилар ўлкаси. Тошкент. 2010 йил. 74 бет.

Интернет маълумотлари

Буюк географик кашфиётлардан кейин 50 йил давомида португаллар японлар билан савдо-сотик қилишди, испанлар Японияда 1592-йилда, улардан кейин голландияликлар ва инглизлар пайдо бўлишди. Христиан дини Японияга 1594-йилда Жесуит ва Муқаддас Франсис Хавер исмли европалик миссионерлар томонидан олиб келинган ва улар бу динни японлар орасида зўр бериб тарғиб қила бошлишган.

Гап шундаки, миссионерлар ва иезуитлар дин ниқоби остида япон халқини асоратга солишни, Япониянинг мустақиллигига чек қўйиб, уни босиб олипши кўпдан бери режалаштириб кўйишган эди. Ўша давда кўпчилик японлар христиан динини қабул қилишган.

Хидеёси биринчилардан бўлиб, христиан миссионерлари ва уларнинг тарғиботи натижасида бу мазҳабни қабул қилган японлар сиёсий жиҳатдан Японияга катта хавф туғдиришини тушуниб етди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чункли европаликлар ҳар бир халқни асоратга солиш учун авваламбор улар орасига миссионерларни юборишар, шу йўл билан маҳаллий аҳолини христиан динига тарғиб қилиб ўтказишар, кейинчалик юборилган аскарлар христиан мазҳабига янги ўтган аҳоли ёрдамида ҳукуматни ағдариб, ана шу мамлакатни босиб олишар эди. Бироқ, ҳарбийлар томонидан бу динга ўтганлар қаттиқ назорат остига олинган ва миссионерлар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилган. Шунинг учун XIX арслагача христиан дини Японияда деярли йўқолиб кетган. Шунга қарамай, бир қанча одамлар ўз ихтиёрлари билан сирли равишда бу динга сигинишда давом этишга. Улар Какуре-Кришитан ёки яшириниб юрувчи христианлар деб юритилар эди.

Бироқ, Токугава Иеясунинг сёгунлик даврида унинг хорижликларга нисбатан муносабати дўстона бўлиб, у ташқи савдони ривожлантиришга катта аҳамият бераётган эди. Токугава Иеясу кучли ҳарбий бошқарувчи эди. У 1603-йили сўгун бўлган. Унинг барча ҳаракатлари ўғли Ҳидстадани

тахт вориси қилишга қаратилган эди. Токугава оиласи мамлакатни бошқариш йўлларини пухта ўйлаб чиқкан эди. XVI арс охири - XVIII арс бошларнда Япония типик тоифаларга ажратилган Шарқ мамлакатларидан иборат бўлиб,

ҳар бир вилоят маълум бир феодал-даймелар назоратида бўлган, уларнинг қўлида дворян-самурайлар хизмат қилишган. Мамлакат тепасида расман император турса-да, сиёсий ҳокимият амалда ҳарбий ҳукмдор-сёгун қўлида бўлган. Ана пгу даврдаги муҳим сиёсий воқеалардан бири бу бутун Япония оролларининг ягона марказлашган давлатга бирлашишидан иборат бўлган.

Мамлакатда Токугава сёгунлиги бошларида ўтказилган ислоҳотга кўра тоифалар орасидаги фарқлар қатъий қилиб чегараланган: ўша пайтдаги дайме-феодаллар ёки катта ер эгалари 200 атрофида бўлиб, уларнинг хатто ўз аскарлари ҳам бўлган. Даймелар сўгунга узлуксиз солиқлар тўлашар эди. Бу эса бир мамлакатнинг ўзида вилоятлараро бир қанча жанглар бўлишига имкон берган. Улардан кейинги поғона дварян-самурайлар, сўнг дехқонлар, улардан қуйироқ поғонани ҳунармандлар ва ниҳоят, 'ўнгги пиллапояни савдогарлар эгаллашган.

Мамлакатни бирлаштиришда уч машхур тарихий шахснинг хизмати бекиёс. Булар: Нобинага-катта ер эгаси, Хидеёси-дехқон ва Иеясу-зодагон, сарой хизматчisi. Аслида улар биргалиқда жанговар армия тузиб, мамлакатни фуқаролар уруши гирдобидан қутқариб қолишга мжуваффақ бўлишди. Токугава Иеясу-юқоридаги уч қаҳрамонлардан бири, мамлакатни бирлаштириш эвазига жуда катта бойликка эга бўлди. Япониянинг деярли еттидан бир қисми унинг тасарруфига кирди. Ўзига қарашли мавзеда у эдо шаҳрини барпо қилди. Япония тарихида бу сёгунлик Токугава сёгунлиги номи билан машхур.

Япония тарихида муҳим бир давр бошланди, японлар ташқи дунёдан ўзларини бутунлай тўсиб қўйдилар. Бу сиёsat Япония давлати томонидан изчил равишда олиб борилди. 1623-йилдан бошлаб инглизлар Японияга

келишни бутунлай түхтатдилар. 1624-йилда Япония мустақилли учун энг хавфли саналган испанлар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилди. Мамлакатда чиқарилған қарорга кўра, ҳорижда савдо қилишга фақатгина христиан динига мансуб бўлмаган шахслар ҳақли эдилар. Ниҳоят, 1636-йилдан бошлаб Япония хорижликлар учун бутунлай ёпилди. Португаллар эса ҳайдаб чиқаради. Барча японларнинг қайси динга мансуб бўлишидан қатъий назар, хорижга чиқариш тақиқланди.Хориждаги бирор-бир япон ҳам Японияга кела олмас эди, акс ҳолда уни ўлим жазоси кутмоқда эди. Мамлакатда бир неча голландлар қолган бўлиб, уларга бандаргоҳ (порт)лардан узоқ кетмаслик ва мамлакат вилоятларига бормаслик тайинланган эди, улар 1641-йили кичик Нагасаки оролининг қирғогига кўчиртирилиб, японлар қўлига тушган асиrlар ҳолатида сақланар эдилар.

1640-йили Португалия кемаси Япония қирғогига яқинлашди. Ундаги элчилар қайтадан савдо-сотиқни тиклаш таклифини киритиши. Бунга жавобан кўпчилик элчилар ва кема аъзоларини Японлар ўлдирдилар ва бир қисмини юртларига ҳайдаб юбордилар. Омон қолганлар бўлган воқеани ватандошларига ҳикоя қилиб беришлари керак эди.

Шундай қилиб, Япония 200 йилдан кўпроқ вақт давомида ташки дунёдан ажralган ҳолда ҳаёт кечирди. Ҳатто ўз қўшиилари бўлган Хитой ва Кореа билан ҳам бутунлай алоқани узди.

Христиан дини тақиқлангач, Японияда буддизм, унинг японлар учун анъанавий бўлган мазҳаби-синтоизм кенг қулоч ёзди. Буддавийлик дини Хитойдан Японияга милодий 552-йилда кириб келган ва 594-йили буддавийлик Японияда давлат дини деб эълон қилинган. Японилда буддавийлик дини бир қанча мазҳабларга ажralган, улардан энг муҳимлари Жодо (Пок диёр) ва Шиншу (Ҳақиқий мазҳаб). Нарадаги Тодаижи черковида милодий 749-йилда қуриб битказилган, жудакатта тахта бинода сақланувчи, бўйи 16 метрлик бронзадан ясалгаи Будда ҳайкали сақланади.

XIX асрнинг бошларига келиб мамлакатда таназзул бошланди, бу феодализм билан бөглиқ бўлган таназзул бўлиб, халқ мамлакатда янги ўзгаришларни кутмоқда эди. Шу сабабли улар қўпроқ ўз орзу-умидларини рўёбга чиқаришни император билан боғламоқда эдилар. Сингоизм мазҳаоининг ривожи ҳам ўз навбатида ахолининг кўнчилнгинг имиератор-Қуёпшинг авлодидан бўлган шаҳаншоҳ шахсига нисбатан хурмат бидан қарашга унданмоқда эди.

Синто-япон маҳаллий дини. Аввал бу динга ном берилмаган эди, аммо кейинчалик бу дин буддавийликдан ажралиб туриши учун алоҳида ном берилган. "Синто" сўзи Хитой тилидан таржима қилинганда "Худолар йўли" деган маънони англатади. Бу динда қилич ва кўзгу муқаддас ҳисобланади. Синто динига сифинувчилар бошқа оддий одамлардек ҳаёт кечириб, ҳатто турмуш қуришлари ҳам мумкин. Бу дин вакиллари шу билан бирга, буддавийлик дини вакиллари ҳам ҳисобланади. Торжи синто черковининг бўйи 16 метрга teng бўлган кириш дарвозаси ҳисобланади. У тўқ қизил рангга бўялган. Синтовийлик ибодатхоналари доимо табиатнинг энг манзарали жойларига жойлаштирилади. Синтоизм мазҳабининг ривожи японлар миллий ҳис-туйғуларининг ошишига олиб келди.

Япониянинг энг машҳур қаҳрамонларидан бири бир кишигина эмас, балки бутун бир 47 кишилик Ронин ҳисобланади. Асано Наганори исмли дайме эдо шаҳридаги бошқарув сиёсатига қарши бўлади ва сарой биноси ичига ўз қиличи расмини чизиб кўяди. Бу иш эса ўлим билан жазоланар эди. У барибир жазоланишини билиб, ўзини жонига қасд қиласди. Сўнг унинг 47 самураи ("ронин" бошқарувчисини йўқотган самурайлар маъсини англатади) раҳбарини ўлимига сабаб бўлган давлар амалдорини ўлдиришга қасам ичишади ва улар бир байрам кечасида тўсатдан бостириб кириб, раҳбарини жонига қасд қилишга мажбур қилган амалдорни бошини танасидан жудо қилишади. Унинг бошини Асоно Наганорининг қабрига қўйиб, ўзинг ҳам жонларига қасд қилишади. Уларнинг ўлимидан сўнг халқ улар ўз раҳбарига садоқатли самурайлар деб хурмат билан эслаб юришади.

Нихоят, XIX аср ўрталарида АҚШ Японияни "очишга" уринди, чунки у бундан жуда ҳам манфаатдор эди, гап шундаки, АҚШ ўз ҳудудини Калифорниягача кенгайтирди ва Сан-Франсиско унинг муҳим бандаргоҳига айланди. АҚШ Хитой билан савдо-сотиқ қилишга жуда манфаатдор бўлиб, унинг буг билан ишлаётган кемалари учун Хитойга Тинч океан орқали бориш жуда мушкул эди. Шу сабабли АҚШ Япон портлари орқали Хитойга боришни режалаштирган эди.

1853-йил Японияга АҚШ эскадраси президент мактуби билан етиб келди, японлар буг билан ҳаракатланувчи пароҳодни биринчи кўришлари эди. Орадан бир йил ўтгач сёгун икки портни америкаликлар учун очишга розилик берди. Тезда бундан хабар топган инглизлар, голландлар ва руслар ҳам Япония қирғоқларига етиб келиб, бирин-кетин Япония сёгуни билан портларнинг очилиши тўғрисида битим имзоладилар. Шундай қилиб, орадан 213 йил ўтгач, Япония дунё учун қайтадан ўз "ешикларини очди".

Аммо ҳорижликлар олдида сёгун ўзини ҳудди императордек тутар эди. Халқ орасида эса сёгуннинг илгаргидек обрўси қолмаганди. Чунки японлар сёгуннинг ҳорижликлар билан тузган битимларини ёмон қарши олдилар, баъзи бир чет элликлар японлар томонидан ўлдирилди, натижада Японияга қарши хужум бошланди. Япониянинг ички ва ташқи аҳволи нихоятда мураккаблашди. Ахолининг тазиқи ва норозилиги туфайли 1867-йилда сёгун ўз лавозимидан воз кечди. Токугава сёгунлигига эмас, балки қарийб 700 йил ҳукмронлик қилган Япониядаги ҳарбий-сиёсий режимга чек қўйилди. Япония тарихида бутунлай янги давр бошланди. Энди Япония императори ўзига хос ва шарафли лавозимнинг тўлақонли эгасига айланди.

Токугава сёгунлигининг баъзи муҳим тарихий саналари:

- 1600-Японияга илк бора Британияликларнинг кириб келиши;
- 1603-Токугава сёгунлигининг ўрнатилиши;
- 1615 -Осака саройида Тоётоми оиласининг йўқ қилиниши;
- 1617-Христианлар таъқиби;

- 1624-Испанияликларнинг Япониядан қувғин қилиниши;
- 1639-Хитойликларга Нагасакидан ташқари бирор шаҳарга ўтиш ман этилди;
- 1700-савдогарлар обрўси ва ҳукмронлиги кучайиши;
- 1703-47 Ронин воқеаси;
- 1783 -86-кучли очарчилик ва эпидемиялар тарқалиши;
- 1808-Нагасакига Япония билан алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида Британия флотининг келиши;

император билан бир қаторда мамлакатнинг бутун дунёда нуфузи ортиб борди.

Шундай қилиб, Япониянинг ўз эшикларини хорижликлар учун қайта очиши тараққиётнинг "японча модели"ни вужудга келтирди. **Меижи бошқаруви даври билан боғлиқ бўлган баъзи муҳим воқеалар**

- 1867-Император Меижи тахтга ўтирди;
- 1868-пойтахт Эдога кўчирилиб, Токиё деб атала бошлади;
- 1869-Феодал бошқаруви тугатилиб, Японияни ривожлантириш ва замонавийлаштириш бошланди;
- 1874-Японияда Биринчи ассамблея уюштирилди;
- 1889-Ито шаҳзоданинг янги конститутсияси;
- 1894-Сино-Япония урушида Япония ғалаба қозониши;
- 1902-Англия-Япония ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши;
- 1910-Корея ва Япониянинг бирлашиши;
- 1912-Император Меижининг вафоти.
- 1912-1925-йиллар Япония тарихида **Таишо даври** номини олган. 1912-йили Меижининг вафоридан сўнг Ташога тахтни эгаллашга йўл очилади;
- 1914-Япония Британия, Франсия ва Россия билан биринчи Жаҳон урушида қатнашади;
- 1918-гуруч нархларининг ошиб кетганлиги сабабли халқ кўзғолон

кўтаради;

- 1919-Япония Версал шартномасига қўл қўяди;
- 1920-Япония Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо бўлади;
- 1921-император Ташигининг ўғли Ҳирото регент лавозимини эгаллайди;
- 1926- император Таши вафот этади ва 26 ёшлик Ҳирото тахтга ўтиради.
- 1830-Токугава сиёсати бекор қилиниши;
- 1837-АҚШнинг Японияга ажратган беғараз ёрдами;
- 1863-АҚШ билан дўстлик ўрнатилиши.

1866-йили Токугава оиласининг ҳукмронлиги Сатсума ва Чошудан келган бошқарувчи-самурайлар томонидан ағдарилиди. Самурайлар "Меижи қайта қуриши" деб ном олган револютсия кўтардилар. Бу револютсияга бўлажак император исми қўйилган. Япон тилидан таржима қилинганда Меижи-нурли, ёритувчи, очик бошқарув тизими маъносини англатади. Меижи қайта қуриш сиёсатининг мақсади ва шиори "Кучли армияга эга бўлган, гуллаб-яшновчи миллат яратиш" эди ва улар шу мақсадларига эришдилар.

Мамлакатда турмушнинг барча соҳаларида буюк ўзгаришлар содир бўлди, ҳамма соҳалар замонавийлаштирилди. 1872-йили Ғарб андозасида қуролланган, кучли армия тузилди. 1876-йилдан бошлаб самурайларга қурол ушлаш ман этилди ва дайме лавозими ўз кучини йўқотди. XIX аср охирида Япония урушда қатнашиб, Хитой ва Россияни мағлуб қилишга тайёр эканлигини ҳис қилди. 1902-йили Япония Россия билан жангга киришишидан аввал Британия билан бирлашиб олди. 1905-йили Япония-Россия уруши бўлиб ўтди ва бу урушда Россия флоти 2 кунда енгилди.

1889-йили Ито исмли шаҳзода Япониянинг янги конститутсиясини тузади. Янги Конститусияга мувофиқ, парламент икки палатадан иборат бўлиб, қуи палата аъзолари сайланар, юқори палата аъзолари эса

тайинланар эди. Япония таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди: ҳуқуқшунослик, ижтимоий, аниқ, табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожланди. Япония ичидан иқтидорли талабалар танлаб олиниб, Европа ва АҚШнинг нуфузли университетларига ўқишига юборилди, улар ўз Ватанларига етук мутахассислар бўлиб қайтар эдилар ва Японияшг равнақи учун барча имкониятларини ишга солар эдилар. Японияда ривожланган Ғарб давлатлари каби замонавий парламент фаолият кўрсата бошлади ва Япониянинг биринчи аҳолиси Осиё қитъасидан келган имигрантлар эди. Аммо улар қачон ва қандай қилиб бу ерга келиб қолганлари номаълум. Ҳозирги кунда Японияда иккита ирқ мавжуд. Улардан бири Шимоли-Шарқий Осиёликлардек Монголоид юз тузилишига эга замонавий Японлар ва иккинчиси аста-секин йўқолиб кетаётган Аину ирқидир.

Археологлар милоддан аввалги 8000 йилги бир неча маданият изларини топишган. Биринчиси Яман маданияти бўлиб, ўзидан сўнг гўзал сопол идишларни қолдириб кетган. Яман одамлари ёнғоқ ва молюскалар билан озиқланиб, қоялarda яшаганлар. Милоддан аввалги 350-йилда Хитой имигрантлари ўzlари билан сопол буюмлар тайёрлашнинг сир-асрорлари ва бронза, темир ва тошдан тайёрланган буюмларки олиб келишган.

Япония империясига милоддан аввалги 660-йилда Жимму Тенно томонидан асос солинган. Афсаналарга кўра у Японияни яратган Худоларнинг авлоди эди. Милодий V арсда Яматодаги обрўли сулола (ҳозирги К(^\to атрофида) Жиммудан ўзини империал оила деб -эълон қилишини талаб қиласи. Бу фикрга розилик фақатгина ВИ арда Япониянинг ажойиб бошқарувчиларидан бири бўлган Шотоку Таиши томонидан розилик билдирилади. IX асрдан буён Японияда бир неча 1000 йиллар давом этиб келаётган император бошқаруви йўлга қўйилган. Японияда феодал тузуми жуда узоқ давом этган. X арсдан XVI асргача мамлакатнинг тақдири ноаниқ ва чет давлатлар билан бўлган тўхтовсиз урушлардан халқнинг силласи қуриган эди. Сўнг эса 2,5 аср тинчлик

ҳарбий бошқарувчилар томонидан сақланди. Улар тинчликка мамлакатни ташқи дунёдан узиб қўйиш орқали эришдилар. Фақатгина 1854-йилдагина Япония чет элликлар учун қайта очилди ва бу унинг тарихини бошлаб берди.

Бундан 1350 йил аввал Японияни Шотоку исмли шахзода бошқарган ва у Японияга Хитой ёзуви, маданияти, кийиниш анъанаси ва ҳатто динини олиб келган. 1192-йилда Ёритомо Минамото Япония бошқарувчиси бўлди. У сўгун эди ва шундан сўнг 700 йил, яъни 1867-йилгача мамлакатни сёгуналар бошқаришди.

Хулоса

XVII – XIX асрларда Осиёдаги феодал давлатлардан бири бўлган Япония ўзига хос, яъни бошқа давлатларда кузатилмаган иқтисодий, сиёсий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўрта асрларда хокимиятни эгаллаган Токугава уйи вакиллари узоқ йиллар давомида малакатни бошқарди. Император ва унинг амалдорлари феодал тартибларга асосланган ер ва мулк эгалигига бўлган муносабатни доимо мустахкамлашга интилганлар.

XVII аср охири XVIII аср бошларидан бошлаб Японияда янги ишлаб чиқариш соҳалари манфактуралар пайдо бўла бошлади. Аммо аҳолининг 85 % и қишлоқларда яшаганлиги учун ерга бўлган муносабат аввалги тартиблан асосида қолаверди. Шаҳарларда хунармандчиликнинг янги тармоқлари пайдо бўлди, бу эса қишлоқлардаги аҳолининг бир қисмини шаҳарга келиб ёлланма ишчига айланишига олиб келди.

Дастлаб қишлоқ аҳолисини шаҳарларга ёки бошқа вилоятларга кўчиб боришига рухсат берилмаган бўлса, дехқонларнинг ғалаёнлари бунга йўл очиб берди.

Япония ўзининг ташқи сиёсатида кўшни Корея ва Хитойга нисбатан зўравонликка асосланган позицияда бўлган. Бу эса пировард натижада уруш харакатларини ҳам бўлиб ўтишига олиб келган. Бу харакат Япониянинг устунлиги билан тугаган. Бундан ташқари Япония Европа давлатлари билан бўлган сиёсатида “Ёпик эшиклар” ғоясига суюнган. Япониядаги хунармандлар, савдо-сотик ва қишлоқ маҳсулотларини етиширадиганлар ички бозорни сақлаш учун Европа товарларини кириб келишига қарши бўлганлар. Аммо Англиянинг Ост-Индия компанияси мамлакат бозорларига кириб келиш учун барча имкониятлардан фойдаланганлар.

XVIII – XIX асрларда Японияда тоғ – кон саноатини ривожлантириш учун бунга зарур бўлган машинасозлик товарларини олишга мажбур

бўлган. Натижада Европа давлатларидан зарурий саноат товарлари кириб келган.

1868 – 1885 йилларда Японияда саноат капитализми тикланиши тугаган даврда мамлакатда 1300 та саноат корхоналари қурилган эди. Мазкур корхоналар мамлакатдаги йирик молия капиталига эга бўлган компанияларга ижарага берилган. Кейинчалик эса корхонанинг 15 – 30 % нархига шахсий мулк қилиб ҳам сотилган. Бу эса мамлакатда капитал маблағни тўпланишига, йирик савдо – саноат мулқдорларини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

XIX асрнинг 70 – 90 йилларида Япония саноатининг ўсиши Европа давлатларига нисбатан қўйидагича: Германи, Англия, Францияга нисбатан 3 – 4 баробар бўлса, Япония эса 10 баробар тез борган.

XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб Япониядаги сиёсий ривожланиш янги босқичга ўтди. 1889 йилда мамлакатда биринчи конституция қабул қилиниб, унинг мазмунини Пруссия конституцияси андозасида эди. Бу императорнинг ҳуқуқларини мустахкамлади, министрлар кабинетини император олдида жавобгар қилиб қўйди. Аммо буни қабул қилиниши келгуси тараққиёт учун муҳим рол ўйнаган.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1. Карен Якобсен. “Japan” Чикаго. 1982 йил**
- 2. Международный отношения на дальнем Востоке (1870-1945) Москва, 1956 год**
- 3. Очерки новой истории Японии (1640-1917) Москва, ИВЛ. 1958 год**
- 4. Хрестоматия по новой истории. Т-1 Москва, Соцэкиз 1963 год**
- 5. Жуков История Японии. Краткий очерк. Москва, 1939 год**
- 6. Новая история стран зарубежной Азии и Африки. Ленинград, 1971 год**
- 7. А.А.Губер, Р.Ф.Ким, А.Н.Хёйфец. Новая история стран Азии и Африки. Москва, 1975 год**
- 8. Р.Гафурова, К. Умаров, П.Котляр, М.Абдурахмонова. Осиё ва Африка мамлакатларининг янги ва энг тарихи. Тошкент. 1982 йил**
- 9. Мақсуд Оқжарий. Япония-мўжилар ўлкаси. Тошкент. 2010 йил.**